

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
2025 йил "23" июндаги
№180 сон буйруғига
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИLMИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**"ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ" НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2025

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

**Республика ихтисослаштирилган
Онкология ва радиология илмий-
амалий тиббиёт маркази директори**

М. Н. Тилляшайхов



2025 йил

**"ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ" НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

ТОШКЕНТ – 2025

Мундарижа

"ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ" НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	5
«ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАР МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	50
«ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ.....	69
«ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПАЛЛИАТИВ ТИББИЙ ЁРДАМ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	94

**"ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ"
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2025

1. Кириш қисми

- Қисқача аннотация. С47.0-9; С48.0-8; С49-С49.9 юмшоқ тўқима саркомалари бўйича ушбу миллий клиник протокол далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган замонавий илмий маълумотларга мувофиқ юмшоқ тўқима саркомаларини назорат қилиш ва олдини олишга қаратилган ўз вақтида ва сифатли диагностика, терапевтик тактика, паллиатив ёрдамни таъминлаш учун ягона концепцияни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Юмшоқ тўқима саркомалари нозологияси бўйича ушбу миллий клиник протокол Ўзбекистон Республикаси туман, вилоят ва республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амбулатор ва стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

- **ХКТ код (лар) и:**

ХКТ-10	
Коди	Номланиши
С 47.0	– Бош, юз ва бўйин периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси.
С 47.1	– Қўлларнинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.2	– Оёқларнинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.3	– Кўкракнинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.4	– Қориннинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.5	– Кичик чаноқ периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.6	– Тананинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.8	– Периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг комбинирланган хавфли ўсмаси
С 47.9	– Периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси, ҚАС (БДУ)
С 48.0	– қорин парда орти
С 48.1	– Қорин парданинг алоҳида қисмлари
С 48.2	– Қорин парда, ҚАС (БДУ)

C 48.8	– Қорин парда ортининг комбинирланган зарарланиши
C 49	– Бошқа турдаги бириктирувчи ва юмшоқ тўқималарнинг хавфли ўсмаси.
C 49.0	– Бош ва бўйиннинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.1	– Қўлларнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.2	– Оёқларнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.3	– Кўкракнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.4	– Қориннинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.5	– Кичик чаноқнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.6	– Тананинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
C 49.8	– Бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималарнинг комбинирланган зарарланиши
C 49.9	– Бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималар, ҚАС (БДУ)
Юклаб олиш (ХКТ-10 дан ҳавола): https://mkb-10.com/index.php?pid=1342	
ХКТ-11	
Коди	Номланиши
2B53	Фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.0	Миксофибросаркома, бирламчи ўчоқ
2B53.1	Теридаги фибробластик ёки миофибробластик ўсма
2B53.Y	Бошқа аниқланган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.Z	Аниқланмаган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B54	Номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.0	Теридаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.1	Қорин пардаси ва қорин парда ортидаги номалум классификацияли плеоморф саркома

2B54.Y	Бошқа аниқланган жойлашувдаги номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.Z	Аниқланмаган жойлашувдаги, аниқланмаган номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B53	Фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.0	Миксофибросаркома, бирламчи ўчоқ
2B53.1	Теридаги фибробластик ёки миофибробластик ўсма
2B53.Y	Бошқа аниқланган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.Z	Аниқланмаган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B54	Номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.0	Теридаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.1	Қорин пардаси ва қорин парда ортидаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.Y	Бошқа аниқланган жойлашувдаги номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.Z	Аниқланмаган жойлашувдаги, аниқланмаган номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B53	Фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.0	Миксофибросаркома, бирламчи ўчоқ
2B53.1	Теридаги фибробластик ёки миофибробластик ўсма
2B57	Капоши саркомаси, бирламчи ўчоқ
2B57.0	Ўпка Капоши саркомаси
2B57.1	Тери Капоши саркомаси
2B57.2	Ошқозон-ичак тракти Капоши саркомаси
2B57.Y	Бошқа аниқланган бирламчи жойлашувдаги Капоши саркомаси
2B57.Z	Аниқланмаган бирламчи жойлашувдаги Капоши саркомаси
2B58	Лейомиосаркома, бирламчи ўчоқ
2B58.0	Қорин пардаси ёки қорин парда орти лейомиосаркомаси
2B58.1	Бачадон лейомиосаркомаси
2B58.2	Ошқозон лейомиосаркомаси
2B58.Y	Бошқа аниқланган бирламчи жойлашувдаги лейомиосаркома

2B58.Z	Аниқланмаган бирламчи ўчоқдаги лейомиосаркома
2B59	Липосаркома, бирламчи ўчоқ
2B59.0	Қўл-оёқ юмшоқ тўқималари липосаркомаси
2B59.1	Қорин пардаси ёки қорин парда орти липосаркомаси
2B59.2	Эркаклар репродуктив аъзолари липосаркомаси
2B59.Y	Бошқа аниқланган бирламчи ўчоқдаги липосаркома
2B59.Z	Аниқланмаган бирламчи ўчоқдаги липосаркома
2B5A	Синовиал саркома, бирламчи ўчоқ
2B5A.0	Қўл-оёқ юмшоқ тўқималари синовиал саркомаси
2B5A.1	Кўкрак қафаси аъзолари синовиал саркомаси
2B5A.Y	Бошқа аниқланган бирламчи ўчоқдаги синовиал саркома
2B5A.Z	Аниқланмаган бирламчи ўчоқдаги синовиал саркома
2B5E	Периферик нервлар ёки вегетатив нерв тизими ниқобининг хавфли ўсмаси, бирламчи ўчоқ
2B5F	Бошқа рубрикаларга кирмайдиган саркома, бирламчи ўчоқ
2B5F.0	Бошқа рубрикаларга кирмайдиган бачадон саркомаси
2B5F.1	Бошқа рубрикаларга кирмайдиган қорин пардаси ва қорин парда орти саркомаси
2B5F.10	Эпиплоон миосаркомаси
2B5F.1Y	Бошқа аниқланган, бошқа рубрикаларга кирмайдиган қорин пардаси ва қорин парда орти саркомаси
2B5F.1Z	Аниқланмаган, бошқа рубрикаларга кирмайдиган қорин пардаси ва қорин парда орти саркомаси
2B5F.2	Бошқа аниқланган жойлашувдаги, бошқа рубрикаларга кирмайдиган саркома
2B5F.3	Бирламчи ўчоғи номаълум, бошқа рубрикаларга кирмайдиган саркома
2B5G	Аниқланмаган бачадон бўлими миосаркомаси
2B5H	Юқори даражада дифференцирланган липоматоз ўсма, бирламчи ўчоқ
Юқлаб олиш (ХКТ-11 дан ҳавола): https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#1630407678	

- Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:

2025-2028 йил.

- Миллий клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази.

- МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ ВА СТАНДАРТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХИССА ҚЎШГАНЛАР:

- Мультидисциплинар ишчи гуруҳ аъзолари:

1. Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ директори;
2. Юсупбеков Абборбек Ахмеджанович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари;
3. Жураев Миржалол Дехканович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ абдоминал бўлими раҳбари;
4. Ибрагимов Шавкат Нарзикулович – т.ф.д., РИОваРИАТМ радиология бўлими илмий раҳбари;
5. Нишанов Данияр Анарбаевич – т.ф.д., РИОваРИАТМ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари;
6. Камишов Сергей Викторович – т.ф.д., РИОваРИАТМ кимё терапия бўлими илмий раҳбари;
7. Рахимов Нодир Махаматович – т.ф.д., Самарқанд шаҳар ҳудудлар аро Хосписи директори;
8. Исмаилова Муножат Ҳаётовна – к.м.н., Тошкент Тиббиёт академияси онкология кафедраси мудири.
9. Хасанов Акбар Ибрагимович – т.ф.д., РИОваРИАТМ бош бўйин ўсмалари бўлими илмий раҳбари;
10. Абдукаримов Хуршид Ганжиевич – т.ф.д. РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат аъзолари ўсмалари бўлими илмий раҳбари;
11. Ахмедов Одилжон Мухамеджанович – т.ф.н., РИОваРИАТМ эндовизуал жарроҳлик бўлими мудири;

- Мультидисциплинар муаллифлар рўйхати, қўшимча ҳаммуаллифлар жамоаси:

1. Гофур-Охунов Мирза-Али Алиярович – т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ходимлар касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Онкология ва УТТ курси” кафедраси мудири.

2. Абдукаримов Хуршид Ганжиевич – т.ф.д., РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими раҳбари.
3. Давлетов Расулбек Рахимбердиевич – РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими мудири;
4. Садриддинов Шукурулла Азадович – РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи мутахассиси;

- Такризчилар:

Республикадан:

Мухамедаминов Шухрат Каримович – т.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ходимлар касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Онкология ва УТТ курси” кафедраси профессори.

Ҳориждан:

Мусаев Элмар Расимович – Москва шаҳар 62-онкология шифохонаси қошидаги суяк ва юмшоқ тўқима ўсмалари бўйича илмий-амалий марказ раҳбари, профессор, Россия Фанлар академияси муҳбир аъзоси;

- Мультидисциплинар ишчи гуруҳ йиғилишида **МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**ни лойиҳасини муҳокамаси баённомасидан кўчирманинг рақами ва санаси: ишчи гуруҳнинг 5-сонли йиғилиши 2025 йил 22 майда бўлиб ўтган.

- Онкология тиббиёт йўналишлари кенгашлари йиғилишида **AGREE** усулида муҳокамадан ўтказилганлиги хулосаси ва йиғилиш баённомасидан кўчирма: Илмий Кенгашнинг 5-сонли йиғилиши 2025 йил 23 майда бўлиб ўтган.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва тахрирлаш:

Республикадан:

Исламов Хуршид Жамшидович – т.ф.н., Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази колопроктология бўлими илмий раҳбари;

Ҳориждан:

Ким Сергей – Сеул Миллий университетининг Бунданг госпитали ташқи алоқалар департаменти профессори.

Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.Э, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирилган Кенгаш йиғилиш баённомасидан кўчирма (сана, №рақам).

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ:

в/и	–	Вена ичига
т/о	–	Тери остига
м/о	–	Мушак орасига
ПСЯ	–	Прогрессиясиз яшовчанлик
МЮЧ	–	Меъёрнинг юқори чегараси
ЖССТ	–	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ГР	–	Грей
ЕД	–	Бирлик
МИТ	–	Меъда ичак тракти
КТ	–	Компьютер томография
мг	–	Миллиграмм
МИ	–	митотик индекс
мл	–	Миллилитр
МРТ	–	Магнит-резонанс томография
МСКТ	–	Мультиспирал компьютер томография
мтс	–	Метастазлар
ЎН	–	Ўсма некрози

ПКВ	–	Пастки кавак вена
ҚУТ	–	Қон умумий таҳлили
ПУТ	–	Пешоб умумий таҳлили
КМ	–	Кўрув майдони
ПЭТ-КТ	–	позитрон-эмиссион компьютер томография
т/о	–	Тери остига
РКТ	–	Рандомизацияланган клиник тадқиқотлар
БМОД	–	Бир марталик ўчоқли доза
ЮТС	–	Юмшоқ тўқима саркомалари
СЎД	–	Суммар-ўчоқли доза
ЭЧТ	–	Эритроцитларни чўкиш тезлиги
ИД	–	Иботланганлик даражаси
УТДГ	–	Ультра товуш доплерография
УТТ	–	Ультратовуш текширув
СЖЕ	–	Сурункали жигар етишмовчилиги
ХТ	–	Химиотерапия
ЭКГ	–	Электрокардиограмма
ЭФГДС	–	Эзофагофиброгастродуоденоскопия
ЭхоКГ	–	Эхокардиография
ADIC	–	Adriamycin, dacarbazine
AJCC	–	аббревиатура (American joint committee on cancer)
IMRT	–	Интенсив-модуланган нур терапия
MAID	–	mesna, adriamycin, ifosfamide
per os	–	Перорал
SRS	–	Стереотаксик радиотерапия
TNM	–	Tumor Nodulus Metastasis (хавфли ўсмаларни босқичлашнинг халқаро таснифи)
VAC	–	vincristine, doxorubicin, cyclophosphan
VAC/IE	–	vincristine, doxorubicin, cyclophosphan/ etoposide, ifosfamide
VADRIAC	–	vincristine, doxorubicin, cyclophosphan

- Мазкур нозология бўйича миллий протоколнинг фойдаланувчилари:

- Шифокор-онкологлар;
- Таянч-ҳаракат тизими онкожарроҳлари;
- Шифокор- катталар жарроҳлари;
- Радиотерапевтлар;
- Кимё терапевтлар;
- Умумий амалиёт шифокорлари;
- Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари;
- Шифокор-терапевтлар;
- ОТМ талабалари, магистрлар, ординатор ва аспирантлар.

- **Мазкур нозология бўйича беморларнинг тоифаси:** (18 ёшдан) катталар.

- **Далилларга асосланган тиббиётнинг, далиллари даражаси шкаласи:**

**1-жадвал. Далилларнинг ишончлилик даражаларини (ДИД) баҳолаш ўлчови
диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун**

ДИД	Батавсил
1	Малумот назорати остида ўтказиладиган тадқиқотларнинг тизимли текшируви ёки рандомизацияланган клиник тадқиқотларнинг метатаҳлил ёрдамидаги тизимли текшируви
2	Маълумотларнинг усули ёки алоҳида тасодифий клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги алоҳида тадқиқотлар мунтазам равишда кўриб чиқиш, метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотлар бундан мустасно
3	Маълумотнома усули билан кетма-кет назоратсиз тадқиқотлар ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган тадқиқотлар ёки тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққослаб бўлмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳолатнинг тавсифи.
5	Фақат ҳаракат механизми ёки экспертларнинг фикрини асослаш мавжуд.

2-жадвал. Профилактика, даволаш ва реабилитация (профилактика, даволаниш, реабилитация аралашувлари) учун далилларга ишонч даражасини баҳолаш ўлчови

ДИД	Батавсил
------------	-----------------

1	Метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотларни мунтазам кўриб чиқиш.
2	Алоҳида тасодифий клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари, метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотлар бундан мустасно.
3	Тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққослаб бўлмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳодиса ёки катор ҳодисалар тавсифи, «ҳодиса-контрол» тадқиқотлари.
5	Аралашувнинг ҳаракат механизми учун фақат асос мавжудлиги (клиникадан олдинги тадқиқотлар) ёки эксперт хулосаси.

3-жадвал. Профилактика, ташхис, даволаш ва реабилитация усуллари бўйича тавсияларнинг ишонтириш даражасини баҳолаш ўлчови (профилактика, даволаниш, реабилитация аралашувлари)

ДИД	Батавсил
А	Кучли тавсия (кўриб чиқилган барча самарадорлик мезонлар (натижалар) муҳим аҳамиятга эга, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга, уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари келишилган).
В	Шартли тавсия (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, ҳамма тадқиқотлар ҳам юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва / ёки қизиқиш натижалари бўйича уларнинг хулосалари келишилмаган).
С	Заиф тавсия (тегишли сифат далилларининг йўқлиги, кўриб чиқилган барча самарадорлик мезонлари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва қизиқиш натижалари бўйича уларнинг хулосалари келишилмаган).

2. Асосий қисм.

- Кириш

Юмшоқ тўқималар саркомалари – хавфли ўсмалар гуруҳи бўлиб, скелетдан ташқари юмшоқ ва бириктирувчи тўқималарда пайдо бўлади. Бундай ўсмалар гистопатологик хусусиятлари, клиник кўриниши ва ўсма жараёнининг кечишига ўхшашлиги сабабли ягона гуруҳ сифатида қаралади. [1-3]. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/35020204/>).

- **Нозологиянинг умумий тавсифи** (фойдаланилган манбаъга ҳавола: <https://www.rosoncoweb.ru/standarts/RUSSCO/2023/2023-19.pdf>)

Юмшоқ тўқима саркомалари (ЮТС) – бу бириктирувчи тўқима ўсмаларидир. Боғламлар, пайлар, мушаклар ва ёғ тўқимаси ўсмалари мезодерманинг примитив ҳужайраларидан келиб чиқади. Ушбу гуруҳга шунингдек, примитив эктодерма ҳужайраларидан (шваннома) ва томирларнинг эндотелиал ҳужайраларидан келиб чиққан ўсмалар ҳам киритилади. Ушбу ҳар хил ўсмалар морфологик тузилиши, пайдо бўлиш механизми ва клиник кўриниши ўхшашлиги сабабли бир гуруҳга бирлаштирилган. Висцерал аъзолар саркомаси жуда кам учрайди, асосан буйрак, простата беzi, ўпка ва юракда аниқланади. Алоҳида саркомалар маммологияда ажратиб қаралади. Диагностика, классификация ва даволаш тактикасида микроскопик тузилиш, хавфлилик даражаси ва баъзи ҳолларда орган мансублиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар лейомиосаркома ҳақида гап кетса, у силлиқ мушак тўқимасидан келиб чиққан бўлиши эҳтимоли юқори, синовиал саркома эса одатда бўғим капсуласидан келиб чиқмайди.

Юмшоқ тўқима саркомаларининг ривожланиши учун ягона этиологик омил мавжуд эмас. Генетик мойиллик айрим ҳолларда аҳамият касб этади. Нейрофиброматоз (фон Реклингхаузен касаллиги)да тугунларнинг хавфли тус олиши кўп кузатилади. Бу аутом-доминант касаллик бўлиб, кўп сонли нейрофибромалар, гигант невуслар ва невринома нар мавжудлиги билан характерланади. Нейрофиброматоз фонида нейрофибросаркома (10–15%) ва хавфли неврилемома (5%) ривожланиши мумкин. Лимфостаз баъзи юмшоқ тўқима саркомалари ривожланиш хавфини оширади. Хусусан, Стьюарт-Тревес синдроми – ангиосаркома, постмастэктомик қўл шишлари фонида, кўкрак беzi саратони туфайли даволанган аёлларда тасвирланган [16] (https://seyitaligumustas.com/en/soft-tissue-sarcomas-malignant-soft-tissue-tumours?gad_source=1&gclid=CjwKCAiA6aW6BhBqEiwA6KzDc4H_BqBP2zrp4Gdl2pHb2Z6IUQoSgHaEak1RCDMCn5JedI_gPy9bsBoCpp8QAvD_BwE). Маълум канцерогенларнинг юмшоқ тўқима саркомалари ривожланишига таъсири етарлича ўрганилмаган. Юмшоқ тўқима саркомаларининг нур терапиясидан сўнг пайдо бўлиш эҳтимоли мавжудлиги таъкидланиши лозим. Радиоиндуцирланган саркомалар нурланишдан кейин 6–30 йил ва ундан кўпроқ вақт ўтгач ривожланиши мумкин (медиа на 10 йил). Умумий нурланиш дозаси, фракциялаштириш режими ва радиация тури касаллик ривожланишига таъсир қилади. Алкилировчи агентлар (циклофосфамид ва ҳ.к.) нур терапияси билан биргаликда қўлланилганида иккинчи даражали хавфли ўсмалар пайдо бўлиш хавфини оширади. [17] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/11025461/>).

8-тур герпес вирусини фонида ВИЧ-инфекцияли беморларда ривожланган Капоши саркомаси классик ва африка вариантыда ҳам агрессив кечишга эга. [18] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/14635020/>)

РИО ва РИАТМнинг 2023 йилдаги статистик маълумотларига кўра, периферик ва вегетатив нерв тизими ўсмалари (С47), қорин парда орти ва қорин парда (С48)

ҳамда бошқа бириктирувчи тўқималар (C49) ўсмалари билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан мувофиқ равишда 0,1, 0,4 ва 1,2 ни ташкил этган.

2023 йилда биринчи марта жами 31 нафар **периферик ва вегетатив нерв саркомаси (C47)** билан бемор аниқланган. Профилактик кўриклар давомида фаол аниқланган ҳолатлар 0% ни ташкил этди. I босқичда 0%, II босқичда 35,5%, III босқичда 19,4%, IV босқичда 12,9% ҳолат қайд этилган. 32,3% беморларда касаллик босқичини аниқлаш имконсиз бўлган. 2025 йил бошига келиб, диспансер кузатувида 152 нафар бемор турган ва касалмандлик кўрсаткичи 100 минг аҳолига 0,4 ни ташкил этган. Республикада периферик ва вегетатив нерв саркомаларида 5 йиллик яшовчанлик даражаси 28,9%, 1 йиллик ўлим ҳолати эса 23,1% ни ташкил этади.

2023 йилда биринчи марта жами 429 нафар бошқа **юмшоқ тўқима саркомалари (C49)** билан бемор аниқланган. Профилактик кўриклар давомида фаол аниқланган ҳолатлар 21,7% ни ташкил этди. I босқичда 9,8%, II босқичда 62,9%, III босқичда 15,6%, IV босқичда 7,2% ҳолат қайд этилган. 4,4% беморларда касаллик босқичини аниқлаш имконсиз бўлган. 2025 йил бошига келиб, диспансер кузатувида 2343 нафар бемор турган ва касаллик кўрсаткичи 100 минг аҳолига 6,4 ни ташкил этган. Республикада бошқа юмшоқ тўқима саркомаларида 5 йиллик тирик қолиш даражаси 38,7%, 1 йиллик ўлим ҳолати эса 11,8% ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда бошқа юмшоқ тўқима саркомалари туфайли 197 нафар бемор вафот этган, бу эса 100 минг аҳолига 0,5 ўлим кўрсаткичинини ташкил этади.

Клиник таснифи (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26033286/>)

1.1. Касаллик ва ҳолат таснифи (касаллик ва ҳолатлар гуруҳи)

Ҳалқаро гистологик тасниф

Юмшоқ тўқима саркомаларининг халқаро гистологик классификацияси (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – ЖССТ, 4-нашр, 2018 й.). [16]: (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22972507/>).

Параганглиома, хавфли	8680/3
Буйрак усти безидан ташқари параганглиома, хавфли Нехромаффин параганглиома, хавфли	8693/3
Гломангиосаркома, Гломус саркома	8710/3
Гломус ўсмаси, хавфли	8711/3
Саркома, БДУ Мезенхимал ўсма, хавфли	8800/3

Юмшоқ тўқималар саркомаси Юмшоқ тўқималар ўсмаси, хавфли	
Урчуксимон хужайрали саркома	8801/3
Гигант хужайрали саркома (чуюклардан ташқари М-9250/3) Полиморф хужайрали саркома	8802/3
Майда хужайрали саркома Юмалоқ хужайрали саркома	8803/3
Эпителиоид саркома Эпителиоид хужайрали саркома	8804/3
Дифференциаллашмаган саркома	8805/3
Десмопластик майда-юмалоқ-хужайрали ўсма	8806/3
Фибросаркома, БДУ	8810/3
Фибромиксосаркома	8811/3
Фасциал фибросаркома	8813/3
Инфантил фибросаркома Туғма фибросаркома	8814/3
Солидар фиброз ўсма, хавфли	8815/3
Хавфли фиброз гистиоцитома	8830/3
Дерматофибросаркома, БДУ Дерматофибросаркома бўртиб турувчи	8832/3
Пигмент дерматофибросаркома бўртиб турувчи Беднар ўсмаси	8833/3
Миксосаркома	8840/3
Липосаркома, БДУ Фибролипосаркома	8850/3
Липосаркома, юқори дифференциаллашган Липомасимон липосаркома Липосаркома, дифференциаллашган яллиғланишли липосаркома Склерозланувчи липосаркома	8851/3
Миксоид липосаркома Миксолипосаркома	8852/3
Юмалоқ хужайрали липосаркома	8853/3
Плеоморф липосаркома	8854/3
Аралаш липосаркома	8855/3

Фибробластик липосаркома	8857/3
Дедифференциаллашган липосаркома	8858/3
Лейомиосаркома, БДУ	8890/3
Эпителиоид лейомиосаркома	8891/3
Ангиомиосаркома	8894/3
Миосаркома	8895/3
Миксоид лейомиосаркома	8896/3
Рабдомиосаркома, БДУ Рабдосаркома	8900/3
Плеоморфя рабдомиосаркома, катталар тип Плеоморф рабдомиосаркома,	8901/3
Рабдомиосаркома аралаш тип Аралаш эмбрионал рабдомиосаркома ва альвеоляр рабдомиосаркома	8902/3
Эмбрионал рабдомиосаркома, Эмбрионал рабдомиосаркома, плеоморф Ботриоид саркома Инсимон саркома	8910/3
Урчуксимон хужайрали рабдомиосаркома	8912/3
Альвеоляр рабдомиосаркома	8920/3
Ганглийлар дифференцировкаси билан рабдомиосаркома Эктомезенхимома	8921/3
Эндометриал стромал саркома, Эндометриал саркома, Эндометриал стромал саркома юқори даражада хавфли	8930/3
Эндометриал стромал саркома паст даражада хавфли Эндолимфатик стромал миоз Эндометриал строматоз Стромал эндометриоз Стромал миоз,	8931/3
Стромал саркома, БДУ	8935/3
Гастроинтестинал стромал саркома Гастроинтестинал стромал ўсма, хавфли ГИСО (GIST, GastroIntestinal Stromal Tumor), хавфли	8936/3

Аралаш ўсма, хавфли	8940/3
Хавфли рабдоид ўсма Рабдоид саркома Рабдоид ўсма	8963/3
Буйрак ёруғ хужайрали саркомаси	8964/3
Хавфли миоэпителиома Миоэпителиал саратон	8982/3
Мезенхимома, хавфли Аралаш мезенхимал саркома	8990/3
Эмбрионал саркома	8991/3
Баргсимон (филлоид) ўсма, хавфли Баргсимон цистосаркома (филлоид), хавфли	9020/3
Синовииал саркома, Синовииома, БДУ Синовииома, хавфли	9040/3
Синовииал саркома, урчуқсимон хужайрали Синовииал саркома, монофаз фиброз	9041/3
Синовииал саркома, эпителиоид хужайрали	9042/3
Синовииал саркома, бифаз	9043/3
Ёруғ хужайрали саркома, Пай ва апаневрозларнинг ёруғ хужайрали саркомаси Юмшоқ тўқималар меланомаси, хавфли	9044/3
Гемангиосаркома Ангиосаркома	9120/3
Купфер хужайраларидан саркома	9124/3
Гемангиоэндотелиома, хавфли Гемангиоэндотелиал саркома	9130/3
Эпителиоид гемангиоэндотелиома, хавфли Томир ичи бронхиал-альвеоляр ўсма	9133/3
Капоши Саркомаси Кўплаб геморрагик саркома	9140/3
Гемангиоперицитома, хавфли	9150/3
Остеосаркома, Остеоген саркома, Остеобластик саркома	9180/3

Остеохондромсаркома	
Хондромсаркома Фиброхондромсаркома	9220/3
Миксоид хондромсаркома	9231/3
Мезенхимал хондромсаркома	9240/3
Юмшоқ тўқималарнинг хавфли гигант ҳужайрали ўсмаси	9251/3
Хавфли теносиновиал гигант ҳужайрали ўсма Пай қинининг гигант ҳужайрали ўсмаси, хавфли	9252/3
Периферик нейроэктодермал ўсма Нейроэктодермал ўсма Периферик примитив нейроэктодермал ўсма, БДУ ППНЭО (PPNET, Peripheral Primitive NeuroEctodermal Tumor)	9364/3
Аскин ўсмаси	9365/3
Примитив нейроэктодермал ўсма, БДУ ПНЭО (PNET, Primitive NeuroEctodermal Tumor), БДУ Бош миянинг примитив нейроэктодермал ўсмаси, БДУ (C71) ЦНС-ПНЭО (CPNET, Central Primitive NeuroEctodermal Tumor) (C71) Супратенториал ПНЭО (PNET, Primitive NeuroEctodermal tumor)	9473/3
Периферик нервларнинг қобиғи хавфли ўсмаси ЗООПН (MPNST, Malignant Peripheral Nerve Sheath Tumor), БДУ Нейрофибросаркома Нейроген саркома Нейросаркома Эпителиоид ЗООПН (MPNST) Меланотик ЗООПН (MPNST) Меланотик псаммоматоз ЗООПН (MPNST) ЗООПН (MPNST) безли дифференцировка билан ЗООПН (MPNST) мезенхимал дифференцировка билан	9540/3
Периферик нервлар қобиклари хавфли ўсмаси рабдомиобластик дифференцировка билан Хавфли шваннома рабдомиобластик дифференцировка билан ЗООПН (MPNST, Malignant Peripheral Nerve Sheath Tumor) рабдомиобластик дифференцировка билан Тритон ўсмаси, хавфли	9561/3
Периневриома, хавфли Периневрал ЗООПН (MPNST, Malignant Peripheral Nerve Sheath Tumor)	9571/3

Донадор хужайрали ўсма, хавфли	9580/3
Донадор хужайрали хавфли миобластома	
Юмшоқ тўқималар альвеоляр саркомаси	9581/3

4-жадвал. TNM тизми бўйича халқаро тасниф (VIII–чинашр, 2017 й. [4] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/35830886/>)).

T	<p>Бирламчи ўсма</p> <p>Tx Бирламчи ўсмани баҳолаш имкони йўқ.</p> <p>Қўл ва оёқ, тана саркомалари:</p> <p>T1 – ўсма энг катта ўлчами 5 см ёки ундан кам.</p> <p>T2 – ўсма энг катта ўлчами 5 см дан катта, лекин 10 см дан кам.</p> <p>T3 – ўсма энг катта ўлчами 10 см дан катта, лекин 15 см дан кам.</p> <p>T4 – ўсма энг катта ўлчами 15 см дан катта.</p> <p>Қорин парда орти саркомалари:</p> <p>T1 – ўсма энг катта ўлчами 5 см ёки ундан кам.</p> <p>T2 – ўсма энг катта ўлчами 5 см дан катта, лекин 10 см дан кам.</p> <p>T3 – ўсма энг катта ўлчами 10 см дан катта, лекин 15 см дан кам.</p> <p>T4 – ўсма энг катта ўлчами 15 см дан катта.</p> <p>Саркомалар (бош ва бўйин)</p> <p>T1 – ўсма энг катта ўлчами 2 см ёки ундан кам.</p> <p>T2 – ўсма энг катта ўлчами 2 см дан катта, лекин 4 см дан кам.</p> <p>T3 – ўсма энг катта ўлчами 4 см дан катта.</p> <p>T4a – ўсма орбита, гавда асоси, қаттиқ мия пардаси, марказий ички хужайралар, юз скелети ёки қанотсимон мушакларга ўтиб кетган.</p> <p>T4b – ўсма бош мия паренхимасига, ички уйқу артериясига, олдинги вертебрал мушакларига ҳужум қилган ёки марказий нерв тизимига периневрал тарқалиш орқали ёйилган.</p> <p>Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи</p> <p>T1 – ўсма фақат бир орган билан чекланган.</p> <p>T2a – ўсма висцерал перитонеумга тарқалган.</p> <p>T2b – ўсма сероза орқали микроскопик чегарадан чиққан.</p> <p>T3 – ўсма бошқа органга ҳужум қилган ёки сероза орқали макроскопик чиқиб кетган.</p> <p>T4a – битта органда иккигача ўсимта ўчоғи мавжуд бўлган мултифокал ўсма.</p> <p>T4b – битта органда иккидан кўп, лекин бештадан кам ўсимта ўчоғи</p>
----------	---

	мавжуд бўлган мултифокал ўсма. T4c – бештадан кўп ўсимта ўчоғи мавжуд бўлган мултифокал ўсма
N	Регионар лимфа тугунлари Nx – регионал лимфа тугунларини баҳолаш имконсиз N0 - регионар лимфа тугунларида метастазлар йўқ N1 - регионар лимфа тугунларида метастазлар бор
M	Узоқ метастазлар M0 – узоқ метастазлар йўқ M1 - узоқ метастазлар бор
МИ	10 ПЗР га 0-9 митоз– 1 балл 10 ПЗР га 10-19 митоз – 2 балл 20 дан кўп митоз – 3 балл
НО	0 – некроз йўқ 50% дан кам ўсма некрози 50% дан кўп ўсма некрози
G	Хавфлиликнинг гистологик даражаси G x – хавфлилик даражасини баҳолаш имконсиз G1 Паст G2 Ўрта G3 Юқори G кўрсаткичи учта параметрдан йиғилади: дифференцировка, митотик фаоллик, некроз даражаси
Эслатма: Скелетдан ташқари Юинг саркомаси ва примитив нейроэктодермал ўсмаси юқори даражада хавфли ўсмалар сифатида таснифланади. Агар хавфлилик даражасини баҳолаб бўлмаса, паст даражадаги хавфлилик белгиланади	

Регионар лимфа тугунлари.

Регионар лимфа тугунлари бирламчи ўсма жойлашган ҳудудга мос келадиган тугунлар ҳисобланади. Регионар лимфа тугунларининг зарарланиши камдан-кам учрайди ва агар уларнинг ҳолатини клиник ёки патологоанатомик жиҳатдан баҳолаш имкони бўлмаса, улар NX ёки pNX ўрнига N0 сифатида таснифланади.

5-жадвал. Босқичлар бўйича гуруҳлаш:

IA босқич	T1	N0	M0	G1, GX Low Grade
IB босқич	T2, T3, T4	N0	M0	G1, GX Low Grade

II босқич	T1	N0	M0	G2, G3 High Grade
IIIA босқич	T2	N0	M0	G2, G3 High Grade
IIIB босқич	T3, T4	N0	M0	G2, G3 High Grade
IIIV босқич	Ҳар қандай T	N1*	M0	Ҳар қандай G
IV босқич	Ҳар қандай T	Ҳар қандай N	M1	Ҳар қандай G

AJCC N1 ни қўл ва оёқлар ва тананинг юзаки ўсмалари учун IV босқич деб таснифлайди.

R тасниф:

- Даводан сўнг қолдиқ ўсманинг мавжудлиги ёки йўқлиги R символи билан тасвирланади;
- RX – қолдиқ ўсманинг мавжудлигини баҳолаш имконсиз;
- R0 – қолдиқ ўсма йўқ;
- R1 – микроскопик қолдиқ ўсма;
- R2 – макроскопик қолдиқ ўсма.

3. Текширув усуллари, услублари, тиббий муолажалар ёндашувлари ва ташхислаш жараёнлари.

3.1. Ташхислаш мезонлари:

Шикоятлари:

- Юмшоқ тўқималарда ўсма ҳосил бўлиши, периферик лимфа тугунларининг катталашиви;

Анамнез:

- Ўсма ва/ёки ўсма билан боғлиқ бошқа симптомларнинг пайдо бўлган вақти, ўтказилган диагностика ва/ёки даволаш тадбирлари аниқланади;

Физикал кўрик:

- Ўсма жойлашган соҳанинг пальпацияси, ўлчами, зичлиги, ҳаракатчанлиги, оғриқлилиги, қўшни анатомик тузилмалар ва минтақага жалб этилганлигини аниқлаш;
- барча имконли лимфа тугунларни пайпаслаш (бўйин, қўлтиқ ости, чов-сон ва бошқ.).

Лаборатор текширувлар:

- Умумий қон таҳлили – энг хос белгилари: анемиянинг турли даражалари, ЭЧТнинг ошиши.
- Умумий сийдик таҳлили – макро- ёки микро-гематурия, ёки таҳлилда ўзгаришлар кузатилмаслиги мумкин.
- Биокимёвий қон таҳлили (умумий оқсил, мочевина, креатинин, билирубин, глюкоза, АЛТ, АСТ, альбумин, амилаза) – буйрак етишмовчилиги белгилари мавжуд бўлса, креатинин ва мочевина даражасининг ошиши мумкин.
- Коагулограмма – қон ивиш жараёни бузилиш белгилари кузатилиши мумкин.
- Цитологик текширув – ҳужайра ўлчамларининг гигант даражагача катталашини, шакли ва ҳужайра ичи элементларининг миқдори ўзгариши, ядро ўлчамлари ва унинг контурларининг ўзгариши, ядро ва бошқа ҳужайра элементларининг турли даражада етилиш ҳолати, ядроча сони ва шакли ўзгариши.
- Гистологик текширув – кучли ҳужайравий полиморфизм, ҳужайра ўлчамларининг ошиши, яққол гипохромия, йирик ядролар бир ёки бир нечта ядрочани ўз ичига олиши, рак ҳужайраларидан рўзетка кўринишидаги без тузилмаларининг мавжудлиги, митоз ҳолатидаги ҳужайралар сони кўплиги.
- Иммуногистохимик текширув – саркоманинг тўлиқ подтипини аниқлаш учун биопсия ва операция материални таҳлил қилиш.
- Молекуляр-генетик текширув – иммунотерапия имкониятини баҳолаш мақсадида микросателлит ноустуворлигини аниқлаш.

Инструментал текширувлар [16]:

- кичик чаноқ аъзолари УТТси (кичик чаноқда ўсма шубҳаси бўлганда, зарарланган лимфа тугунларини излаш).
- Қорин бўшлиғи ва қорин парда орти аъзолари УТТси (қорин бўшлиғи ва қорин парда орти соҳасида метастатик шикастланишларни аниқлаш).
- Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ аъзолари компьютер томографияси (КТ) –(кичик чаноқ ва қорин парда орти соҳаси лимфа тугунларини баҳолаш, кўкрак ва қорин бўшлиғи органларидаги органик ўзгаришларни аниқлаш).
- Кичик чаноқ аъзолари Магнит-резонанс томографияси (МРТ) – (кичик чаноқ тўқимасидаги ўсма белгилари – кичик чаноқ аъзоларининг фаолияти бузилиши, ташқи томондан йирик қон томирларни босиш шубҳаси).

- Бош мия магнит-резонанс томографияси (МРТ) – (бош мияга метастатик зарарланиш шубҳасида ўтказилади).
- Экскретор урография – буйраклар ҳолати, шакли, ўлчами, контурлари, буйраклар фаолияти, сийдик йўллари ва қовуқ шакли ва контурларини баҳолаш.
- Цистография – қовуқ шакли, ўлчами ва жойлашувини баҳолаш, ўсманинг қовуққа ўтишини ёки сийдик-қовуқ оқмасини аниқлаш.
- Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органлари Компьютер томографияси (КТ) (кўкрак қафаси органларидаги метастатик шикастланишларни аниқлаш мажбурий).
- ПЭТ, ПЭК/КТ бутун танани текшириш (юмшоқ тўқима саркомасида ўсма жараёни тарқалишини баҳолаш, касалликнинг авж олиши ёки ўтказилган махсус даволаш самарадорлигини баҳолаш учун).
- Бош мия магнит-резонанс томографияси (МРТ) (КТ ўтказиб бўлмаган ҳолларда), **алвеоляр саркома ва гемангиоперицитомда** (бош мияга метастатик зарарланиш энг кўп кузатилади).

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда асосий текшириш усуллари

1. ҚУТ лейкоформула ва тромбоцитлар миқдорини ҳисоблаш билан;
2. Қон биокимёвий таҳлики (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевина, креатинин, пешоб кислотаси, умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
3. АВО тизими бўйича қон тугуҳини аниқлаш;
4. Резус-факторни аниқлаш;
5. Пешоб умумий таҳлили;
6. Коагулограмма (АЧТВ, ПВ, МНО, ПТИ, фибриноген);
7. ИФА ёки ИХЛ усулида вирусли гепатит Б ва С маркерларини аниқлаш
8. В ва С вирусли гепатитлари учун ПЗР (сифатли)
9. ИФА усулида ОИВ-инфекцияни аниқлаш (HIVAg/anti-HIV);
10. Заҳмга серологик реакциялар мажмуаси;
11. Кўкрак қафаси рентген текшируви (скопия, графия);
12. Комплекс ультратовуш диагностикаси (жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези, талок, буйраклар, қорин парда орти, ичак тутқичи, периферик лимфа тугунлари);
13. Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, қорин парда орти, кичик чаноқ МСКТси;

- 14.Кичик чанок МРТси;
- 15.Бош мия МРТси;
- 16.Цистография;
- 17.Ўсмадан мақсадли биопсия;
- 18.Биоптатни цитологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *;
- 19.Биоптатни гистологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *
- 20.Биоптатни иммуногистокимёвий текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини)*
- 21.Иммунотерапия имкониятларини аниқлаш мақсадида микросателлит ностабилликни молекуляр-генетик текшируви;
- 22.ЭКГ;
- 23.ЭхоКГ;
- 24.Бутун тана ПЭТ/КТси**;

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда қўшимча текшириш усуллари:

1. ПЗР усулида Эбштейн-Барр вируси, 1-2 тип герпес, цитомэгаловирус, токсоплазмоз;
2. В ва С гепатит вирусларига ПЗР (миқдорий);
3. COVID-19 ги ПЗР;
4. Қонни кислота ишқорий ҳолати (КИХ) ва газларга аниқлаш;
5. Бевосита ва билвосита Кумбс реакцияси;
6. Стандарт цитогенети текшириш;
7. Ферритин, фолатлар, зардоб темири, Витамин В12ни аниқлаш;
8. ProBNP
9. Прокальцитонин
10. Антитромбин III, Д-димер
11. Фертил ёшидаги аёлларда – ҳомиладорликка тест, ХГЧни аниқлаш;
12. Периферик қон ИФТси;
13. Коптокчалар фильтрацияси тезлигини аниқлаш;
14. Бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографияси;
15. Ортопантомограмма;
16. Бош, бўйин КТси;
17. Фиброэзофагогастроуденоскопия;

18.Бронхоскопия;

19.Колоноскопия;

20.Оёқлар томирлари (вена ва/ёки артериялар) УЗДГси;

21.Спирография;

22.Холтер – мониторинг билан ЭКГ

* Агар аввал ўтказилмаган бўлса.

** Касалликнинг бошланишида ва қайта босқичлаш пайтида бажариш керак.


- Мутахассисларнинг консултатив кўруви учун кўрсатмалар:

- **Кардиолог кўриги** (50 ёш ва ундан катта беморларда, шунингдек, ЮҚТ да патологияси бўлган 50 ёшдан кичик беморлар);
- **Гинеколог кўриги** (кичик чанок аъзоларида ҳажмли ҳосила белгилари бўлган аёлларда, оилавий, биргаликда келувчи саратон турларини истисно қилиш мақсадида);
- Меъда ости беzi саратонини даволаш бошланишидан олдин **акушер-гинеколог/репродуктологнинг маслаҳати** зарур, агар бемор келажакда фарзанд кўришни хоҳласа, ёрдамчи репродуктив технологияларнинг мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилиш, шунингдек, туғиш ёшидаги беморларда ўсмага қарши дори терапияси даврида, яқин келажакда ва ундан кейин исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун ишончли контрацептив воситалардан фойдаланиш масаласида [5];
- **невропатолог кўриги** (қон томир мия касалликларида, шу жумладан инсульт, мия шикастланиши, эпилепсия, миастения, нейроинфекцион касалликлар, шунингдек, онгни йўқотишнинг барча ҳолатларида);
- **эндокринолог кўриги** (эндокрин аъзолари томонидан ҳамроҳ касалликлари бўлган тақдирда);
- **қон-томир жарроҳи кўриги** (варикоз касаллик, туғма/орттирилган томирлар патология мавжуд бўлган ҳолларда);
- **пульмонолог кўриги** (ўпка паренхимасида қолдиқ патологиялар мавжуд бўлганда, бактериал / вирусли / ноаниқ генезли яллиғланиш жараёнидан кейин).
- ҳамроҳ патологиялар мавжуд бўлганда, **бошқа мутахассислар кўриклари**: фтизиатр (анамнездаги сил касаллиги бўлса), юқумли касалликлар бўйича мутахассис (сурункали гепатит бўлса) ва бошқалар.
- **нефролог кўриги** (буйрак патологияси, гиперазотемия мавжуд бўлганда).
- **фтизиатр кўриги** – агар ўпканинг сил касаллигига шубҳа қилинган бўлса ва

периферик шаклланишлар мавжуд бўлса.

Диагностик алгоритм.

1-схема – Юмшоқ тўқималар саркомаларида диагностик алгоритм.



3.3 Дифференциал диагностика [1, 2].

(https://seyitaligumustas.com/en/soft-tissue-sarcomas-malignant-soft-tissue-tumours?gad_source=1&gclid=CjwKCAiA6aW6BhBqEiwA6KzDc8FXid4vkhQmowfpHY1D082s5x3SaVDntqnevfJWyu4QbM5HailJjRoCkDUQAvD_BwE)

(<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/35020204/>)

Юмшоқ тўқима саркомаларининг дифференциал диагностикаси:

Ташҳис	Дифференциал диагностика учун асослаш	текширув	Ташҳисни истисно қилиш мезони
Фиброма	Фибросаркома	Юмшоқ тўқималар КТ ёки МРТси Юмшоқ тўқималар УТТси Ингичка игнали ёки трепан биопсия	Атроф-атроф тўқималарга инфильтрация йўқлиги Ўсманинг ҳаракатчанлиги Цитограмма ёки гистограммада ўсма хужайраларининг йўқлиги

Липома	Липосаркома	Юмшоқ тўқималар КТ ёки МРТси Юмшоқ тўқималар УТТси Ингичка игнали ёки трепан биопсия	Атроф-атроф тўқималарга инфильтрация йўқлиги Ўсманинг ҳаракатчанлиги Цитограмма ёки гистограммада ўсма хужайраларининг йўқлиги
Гематома	Рабдмиосаркома Ангиосаркома	Юмшоқ тўқималар КТ ёки МРТси Юмшоқ тўқималар УТТси Ингичка игнали ёки трепан биопсия	Атроф-атроф тўқималарга инфильтрация йўқлиги Ўсманинг ҳаракатчанлиги Цитограмма ёки гистограммада ўсма хужайраларининг йўқлиги Патологик қон ацйланишининг йўқлиги

4. АМБУЛАТОРИЯ ДАРАЖАСИДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ:

Прогрессия ҳолатида, ташхиси тасдиқланган ва диспансер ҳисобида турган беморларга таргет даволашни ўтказиш. Иматиниб, Пазопаниб, Сунитиниб, Сорафениб билан таргет даволашни қўллаш 5.3-бандда кўрсатилган. Оғрик қолдирувчи ва бошқа симптоматик даволаш кўрсатмаларга асосан амалга оширилади.

5. Тиббий ёрдам кўрсатиш туридан келиб чиқиб шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалари:

1) Режали ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:

- Кундузги ёки туну кун ишлайдиган стационарда кейинги кузатувни талаб қилувчи мураккаб интервенцион ташхисий тиббий аралашувларни бажариш зарурияти.;
- Туну кун ёки кундузги стационарда кузатувни талаб қилувчи махсус хавфли ўсмага қарши даволаш (жарроҳлик аралашуви, дори-дармон билан даволаш ва бошқалар) кўрсатмалари мавжудлиги.

2) Шошилиш ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:


- Онкологик касаллик асоратларининг мавжудлиги, улар бўйича шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатишни талаб қилувчи махсус тиббий ёрдам зарурлиги;
- Онкологик касалликни даволаш (жарроҳлик аралашуви, дори-дармон билан даволаш ва бошқалар) асоратларининг мавжудлиги.

6. Стационар даражасида даволаш тактикаси:



Юмшоқ тўқима саркома беморларини диагностика ва даволаш блок-схемаси



Юмшоқ тўқима саркомалари (маҳаллий-тарқалган, метастатик)



Юмшоқ тўқима саркомалари РЕЦИДИВ



Юмшоқ тўқималар ўсмасини ва мавжуд бўлган тақдирда, худудий метастатик шикастланган лимфа тугунларини олиб ташлаш.

Босқичлар бўйича даволаш [5] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26033286/>):

IA босқич (T1a,T1b N0,NX M0 хавфлиликнинг паст даражаси):

- анатомик соҳа чегарасида ўсмани кенг кесиб олиш.

IB босқич (T2a, T2b N0,NX M0 хавфлиликнинг паст даражаси):

- Хирургик йўл билан ўсмани олиб ташлаш (T2a – кенг кесиб олиш, T2b – радикал операция) + жарроҳликдан кейинги нур терапияси курси (зарурияти якуний гистологик текширув натижаларига қараб аниқланади);
- Маҳаллий тарқалган ўсмада, биринчи босқичда радикал жарроҳлик муолажасини ўтказиб бўлмаганда, жарроҳликдан олдинги нур терапияси курси ўтказилади;
- Аъзо сақловчи жарроҳлик аралашувини режалаштиришда неоадьювант даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида даволаш тизимида регионар химиотерапия усуллари (артерия ичига химиотерапевтик дори воситаларини юбориш) киритилади;
- Жарроҳлик йўли билан ўсма олиб ташланганидан сўнг кенг яра дефекти ҳосил бўлиб, уни яра чеккалари бирлаштириш орқали бартараф этиш имкони бўлмаганда, бирламчи пластиканинг қуйидаги бирорта тури амалга оширилади:
 - эркин тери лоскути билан;
 - маҳаллий тўқималар билан;
 - комбинирланган тери пластикаси;
 - томирли оёқчада оролча лоскутларини ўтказиш билан пластика,
 - микрожарроҳлик техникасини қўллаш йўли билан тўқималар комплексларини аутоотрансплантацияси.
- Аъзо сақловчи давони ўтказиб бўлмаганда, бу ўсма жараёнининг маҳаллий тарқалганлиги ва неоадьювант даволашнинг самарасизлиги билан боғлиқ бўлса, қўл-оёқни ампутация қилиш амалга оширилади.

IIA босқич (T1a,T1b N0,NX M0 хавфлиликнинг юқори даражаси):

- операциядан олдинги ва кейинги нур терапия + ўсмани кенг кесиб олиш;
- T1b да қўшимча 3-4 курс адьювант полихимиотерапия ўтказилади;
- Жарроҳлик йўли билан ўсма олиб ташланганидан сўнг кенг яра дефекти ҳосил бўлиб, уни яра чеккалари бирлаштириш орқали бартараф этиш имкони бўлмаганда, бирламчи пластиканинг бирор усули амалга оширилади.

IIВ босқич (T2a N0,NX M0 хавфлиликнинг юқори даражаси),

III босқич (T2b N0,NX M0 хавфлиликнинг юқори даражаси):

- Жарроҳликдан олдинги ёки кейинги нур терапияси (афзаллик маҳаллий СВЧ-гипертермия шароитида нур терапиясини ўтказишга берилди) + ўсмани хирургик олиб ташлаш (T2a – кенг кесиб олиш, T2b – радикал сақловчи операция) + 3–4 курс адъювант полихимиятерапия;
- Неоадъювант даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида ва аъзо сақловчи жарроҳлик аралашувини режалаштиришда даволаш тизимидаги регионар химиятерапия усуллари (вена ичига ёки артерия ичига химиятерапевтик дори воситаларини юбориш) киритилади;
- Кенг яра дефекти ҳосил бўлиб, уни яра чеккалари бирлаштириш орқали бартараф этиш имкони бўлмаганда, бирламчи пластиканинг бирор усули амалга оширилади;
- Аъзо сақловчи давони ўтказиб бўлмаганда, бу ўсманинг маҳаллий тарқалганлиги ва неоадъювант даволашдан кейин клиник таъсир кузатилмаслиги билан боғлиқ бўлса, қўл-оёқни ампутация қилиш амалга оширилади.

IV босқич (ҳар қандай T, N1, M0, хавфлиликнинг ҳар қандай даражаси).

- Комплекс даволаш юмшоқ тўқималар саркомасининг I–III босқичларини даволаш тамойиллари асосида, ўсманинг дифференциялашув даражаси ва маҳаллий тарқалиши ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади;
- Жарроҳлик таркибий қисми, бирламчи ўчоқдаги аралашувдан ташқари (аъзо сақловчи ёки аъзо олиб ташловчи операция), шунингдек, бирламчи ўсмадаги операция билан бир вақтда (бир блокда ёки босқичма-босқич) ёки кечиктирилган тартибда (шикастланиш зонаси ва беморнинг умумий ҳолатига боғлиқ ҳолда) амалга ошириладиган типик регионар лимфодиссекцияни ҳам ўз ичига олади.

IV босқич (ҳар қандай T ва N M1 хавфлиликнинг ҳар қандай даражаси)

- Паллиатив ва симптоматик даволаш индивидуал дастурлар асосида, полихимиятерапия ва/ёки нур терапиясини ўз ичига олган ҳолда ўтказилади.
- Жарроҳлик аралашувлари ўсма массасини камайтириш ёки санитария кўрсаткичлари бўйича (қўл-оёқ ампутацияси) амалга оширилади.

6.1. Беморни кузатиш картаси, беморни маршрутизацияси:

- Юмшоқ тўқималар саркомаси билан касалланган барча беморлар даволаш якунланганидан сўнг ўзлари бириктирилган жойдаги онколог шифокор назоратида бўлишлари керак.
- Илк 2 йил давомида – ҳар 3 ойда бир маротаба;

- Учинчи йил давомида – ҳар 6 ойда бир маротаба;
- 4-йилдан бошлаб – ҳар 12 ойда бир маротаба (ҳар йили).
- Назорат текшируви доирасига бирламчи ўсма жараёни таъсир қилган зона КТ, ҚБҚ КТ ва ЎҚК КТ/ПЭТ/КТ киритилади.

6.2 Номедикаментоз даво:

- Консерватив даволаш ўтказилаётганда бемор режими – умумий.
- Эрта жарроҳликдан кейинги даврда – ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажми ва ҳамроҳ касалликларга боғлиқ ҳолда).
- Жарроҳликдан кейинги даврда – палатали режим.
- Диета: одатда №15, жарроҳлик даволашдан сўнг – №1.

Нур терапия [8-10].

Нур терапия турлари:

- дистанцион нур терапия;
- 3D-конформ нурланиш;
- интенсивлиги модулирланган нур терапия (IMRT);
- томотерапия.

Нур терапияга кўрсатмалар:

- Юмшоқ тўқималар саркомаси радиорезистент хавфли ўсма ҳисобланади. Нур терапиясини тайинлашда ўсманинг гистологик тузилиши ҳисобга олиниши лозим. Нур терапияси комбинирланган ва комплекс даволаш доирасида қўлланилади.
- Нур терапияси чуқур фокусли R-терапия, электрон нури ёки Y-терапия ёрдамида қўлланилади, одатда, жарроҳликдан олдинги ёки кейинги курс сифатида, умумий дозаси (СОД) 50–70 Гр, классик фракциялаш режимида ўтказилади. Нурлантириш манбаси ва электрон нури энергияси ўсманинг жойлашуви ва чуқурлигига қараб танланади.
- Дозани бутун шикастланган зонага бир текис етказиш мақсадида конформли нур терапияси (КФЛТ), интенсив модуляцияли нур терапияси (IMRT) ва кўп майдонли нурлантириш усуллари қўлланилади. Бунда оптимал дозавий майдонларни шакллантириш учун махсус мосламалар ишлатилади. Нурлантириш майдонлари чегаралари ўсма ҳажмидан 3–4 см кенгроқ бўлиши керак. Агар ўсма катта ўлчамда бўлса ёки хавфлилик даражаси юқори бўлса, нурлантириш майдони ўсманинг чегараларидан 10 см гача проксимал ва дистал йўналишларда қамраб

олади. Бундай ҳолларда умумий дозаси (СОД) 45–50 Гр га етганида нурлантириш майдони фақат ўсма ўлчамларигача қисқартирилади.

- Қўл-оёқларда жойлашган ўсмаларда нурли остеонекроз ривожланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида қўшимча қия нурлантириш майдонлари қўлланилади, улар нурлантирилаётган тўқималар ҳудудидан ташқарига чиқади. Идеал ҳолатда фиброз, мушаклар контрактураси ва шиш даражасини камайтириш учун нурлантириш майдонидан қўл-оёқ айланасининг 1/3 қисми чиқариб ташланиши лозим. Нурлантирилмайдиган тўқималарнинг минимал кенглиги: - Биллак соҳасида – 2 см, - Оёқ пастки қисми (тўпикдан юқори) – 3 см, - Сонда – 4 см.

Амалиётдан кейинги нур терапияга қарши кўрсатмаларга киради:

- морфологик тасдиқланган ташҳиснинг йўқлиги;
- қон кейиш хавфи билан ўсманинг парчаланиши, нур терапияга умумий қарши кўрсатмалар.
- Жарроҳликдан кейинги нур терапияси қуйидаги ҳолатларда ўтказилади:
 - Агар гистологик текширувда ўсманинг хавфлилик даражаси юқори ва мультицентрли ўсиш хусусияти аниқланса (ва жарроҳликдан олдин нур терапияси ўтказилмаган бўлса),
 - Агар ўсма шартли радикал ёки норадикал олиб ташланган бўлса.

Нур терапиясини бошлаш муддати – жарроҳлик аралашуви ўтказилганидан кейин кечиктирмасдан, 4 ҳафта ичида..

- Агар жарроҳликдан олдин нур терапияси ўтказилмаган бўлса, нурлантириш майдонига қуйидагилар киритилади:
 - Ўсма олиб ташланган жой (ложа), унинг чегаралари операция вақтида тантал скрепкалар билан белгиланади,
 - Атрофдаги тўқималар, кесиш чегараларидан 2 см масофагача,
 - Жарроҳликдан кейинги чандиқ (умумий дозаси – СОД 60 Гр).

Агар жарроҳликдан сўнг қолдиқ ўсма мавжуд бўлса (операция вақтида титан скрепкалар билан белгиланиши лозим), бу зона қўшимча маҳаллий нурлантирилади, умумий дозаси камида 70 Гр гача етказилади.

- Жарроҳликдан кейинги даврда ўсма ложасида қўшимча брахитерапия қўлланиши мумкин. Агар брахитерапия мустақил равишда ўтказилса, тавсия этилган умумий доза (СОД) 45 Гр бўлиб, у 4–6 кун ичида юборилади.

- Агар ўсмани резекция қилиш мумкин бўлмаса, радикал дастур бўйича нур терапияси ўтказилади, умумий дозаси (СОД) 70 Гр, классик фракциялаш режимида.

6.3 Медикаментоз даво [5, 11-15]:

- Диссеминацияланган юмшоқ тўқималар саркомаларини тизимли даволаш цитотоксик химиятерапия ва/ёки таргетли терапияни ўз ичига олиши мумкин. Цитотоксик химиятерапия, молекуляр нишоннинг чекланган мавжудлиги сабабли, носелекцияланган беморлар популяциясида таргетли терапияга қараганда юқори натижаларни намоён қилиши мумкин. Диссеминацияланган юмшоқ тўқималар саркомасини даволашда ҳам монокимиятерапия, ҳам комплекс химиятерапия қўлланилиши мумкин. Даволашни бошлаш (ёки давом эттириш) учун оптимал химиятерапия режимини танлаш, биринчи навбатда, химиятерапевтик препаратларнинг юмшоқ тўқималар саркомасига таъсир спектрига боғлиқ. Даволаш жараёнида беморлар, одатда, барча мавжуд препаратларни қабул қилиш имконига эга бўладилар, аммо тўлиқ терапевтик самарага эришиш ҳоллари камдан-кам учрайди. Даволаш режасини танлашда асосий мақсадларга эътибор қаратиш лозим, бу қуйида келтирилганидек, айниқса, ўсманинг гистологик подтипига ва беморнинг умумий соматик ҳолатига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

- Неoadъювант химиятерапия маҳаллий тарқалган юмшоқ тўқималар саркомалари (G3, II–III босқич) билан касалланган беморларга тавсия этилади, агар улар учун аъзо сақловчи жарроҳлик даволаш режалаштирилган бўлса.

- Неoadъювант даволаш учун қуйидаги химиятерапия комбинациялари тавсия этилади:

- Доксорубицин + Ифосфамид – турли дозавий интервал вариантларида.

- Доксорубицин – монотерапия сифатида.

- VАС комбинацияси – Винкристин + Доксорубицин + Циклофосфан.

- VАС/IE комбинацияси – Ифосфамид + Этопозид.

- GemTax комбинацияси – Гемцитабин + Доцетаксел.

- Паклитаксел – монотерапия сифатида (80 мг/м², 1-, 8-, 15-кунлар, ҳар 4 ҳафтада).

Бу схемалар юқори хавфли ва стандарт химиятерапияга сезувчан бўлган юқори даражада хавфли саркома подтиплари бўлган беморлар учун тавсия этилади.

(Қуйида келтирилган аниқ схемаларни қаранг).

- Адъювант (профилактик) химиятерапия юқори хавфли (G3) юмшоқ тўқима саркомалари учун жарроҳлик даволаш босқичидан сўнг ўтказилиши тавсия этилади (СМТнинг химиятерапияга сезувчан бўлмаган подтиплари бундан мустасно). Агар даволаш натижасида патоморфоз 3–4 даражасига эришилган

бўлса, адъювант химиятерапияни ўтказиш тавсия этилади. Бошқа ҳолларда, юқори хавфли ва стандарт химиятерапияга сезувчан саркомалар учун профилактик химиятерапия ўтказиш масаласи тиббий консилиумда муҳокама қилиниши лозим.

- Диссеминацияланган юмшоқ тўқима саркомаларида асосий даволаш усули сифатида химиятерапия қўлланилиши тавсия этилади. Энг кўп қўлланиладиган препаратлар: Доксорубицин, Ифосфамид, Дакарбазин. Биринчи линия стандарти – доксорубицин + ифосфамид комбинацияси. 65 ёшдан катта беморлар учун танлов усули сифатида антрациклинлар билан монотерапия тавсия этилади. Агар беморнинг умумий ҳолати яхши бўлса ва ўсма томонидан кучли жавоб реакцияси кутилаётган бўлса, комбинацияли химиятерапия афзалроқ ҳисобланади. Терапия танлови бир қатор омилларга асосланиши керак: Ўсманинг морфологик тузилиши, Жараённинг локализацияси, Беморнинг ёши, Илгари ўтказилган даволаш муддатлари ва ҳажми.

- Синовиал саркома ва миксоид липосаркома химиятерапияга энг сезувчан саркомалар ҳисобланади: Миксоид липосаркома – доксорубицинга сезувчан, Синовиал саркома – алкилирувчи агентлар, масалан, ифосфамидга сезувчан. Қуйидаги саркома турлари химиятерапияга индивидуал ўзгарувчан сезувчанликка эга: Бачадон лейомиосаркомаси, Эндометриал стромал саркома, Миксофибросаркома, Дедифференцияланган липосаркома, Перефирик нерв қобиғининг хавфли ўсмалари. Бу ўсмаларда доксорубицин + ифосфамид ёки гемцитабин + доцетаксел икки компонентли режимлари қўлланилганда объектив самараларга эришиш мумкин.

Юмшоқ тўқима саркомаларида дори терапияси схемалари.

Монохимиотерапия:

- Доксорубицин 60-75мг/м² в/и ҳафтада 1 марта Доксорубицин 30мг/м² 1-3 кунлар
- Ифосфамид 5 мг/м² в/и ёки в/и инфузия 1-кун ёки 1,6-2,5г/м²/сут 5 кун давомида месна билан 20% + 100% ифосфамид дозаси билан бир вақтда
- Гемцитабин 1200 мг/м² камида 120 минут 1-чи ва 8-чи кунлар ҳар 21 кун инфузиянинг фиксацияланган тезлиги билан 9-10мг/м²/мин
- Трабектидин 1,4 мг/м² 24-соатлик инфузия кўринишида.
- Эрибулин 1,4 мг/м² в/и, 2-5 минут давомида 21-кунлик циклнинг 1,8-кунлари.

Полихимиотерапия схемалари:

- порт-система ўрнатиш.

1. AI

- Доксорубицин 75 мг/м² в/и 72 соатлик инфузия 1 кун Ифосфамид 2,5г/м² в/и 3 соатлик инфузия 1-4-чи кун.
- Месна ишлатилиши тавсия этилади ифосфамид билан биргаликда геморрагик циститнинг олдини олиш мақсадида: - 1-кун–500 мг/м² ифосфамид билан бир вақтда, Кейинги 4 кун давомида 1500 мг/м² вена ичига, 24 соатлик инфузия шаклида юборилади.
- Интервал 3 ҳафта.

2. СуADIC

- Циклофосфан 500 мг/м² в/и 2 кун.
- Доксорубицин 50 мг/м² в/и 1 кун.
- Дакарбазин 250 мг/м² в/и 1-5 кунлар.

3. ADIC

- Доксорубицин 90 мг/м² в/и – 96 соатлик инфузия.
- Дакарбазин 900 мг/м² в/и - 96-соатлик инфузия, доксорубицин билан эритилган интервал 3-4 ҳафта.

4. MAID

- Доксорубицин 60 мг/м² в/и 72 соатлик инфузия.
- Ифосфамид 2000 мг/м² в/и 4х соатлик инфузия 1-3-чи кунлар; 6000мг/м² – 72х соатлик инфузия.
- Месна общая доза 8000мг/м² в 96-соатлик инфузия.
- Дакарбазин 900мг/м² – 72 соатлик инфузия, доксорубицин билан бирга эритилган. Интервал 3-4 ҳафта.

5. GemTax

- Гемцитабин – 900 мг/м² в/и 1-чи, 8-чи кун, Доцетаксел – 100 мг/м² в/и 8-чи кун
- Илгари химиятерапия қабул қилган беморлар учун гемцитабин + доцетаксел дозаларини камайтириш тавсия этилади: Гемцитабин – 675 мг/м² (1- ва 8-кунлар), Доцетаксел – 75 мг/м² (8-кун), Филграстим – 5–15-кунлар, терини остига (п/к).
Терапия интервали – 3 ҳафта.

6. VAI

- Винкристин 2мг в/и 1-чи кун.

- Доксорубицин 75 мг/м² в/и 72 соатлик инфузия 1-кун, Ифосфамид 2,5г/м²г в/и 3 соатлик инфузия 1-4-чи кун.
- Месна 500мг/м² 1-чи кун ифосфамид билан бирга, сўнгра 1500мг/м² в/и 24-соатлик инфузия 4 кун давомида.

7. VADRIAC

- Винкрестин 1.5мг/м² в/и 1,8,15-чи кунлар дастлабки 2 курсда, кейинчалик фақат 1-чи кун.
- Циклофосфан 600 мг/м² в/и 1,2 кунлар.
- Доксорубицин 60 мг/м² в/и 48 соатлик инфузия интервал 3 ҳафта.
- Ифосфамид 1800мг/м² в/и 1-5-чи кунлар, месна 1-5-чи кунлар, Этопозид 100мг/м² в/и 1-5-чи кунлар. Интервал 3 ҳафта.
- Иринотекан 40мг/м² – 1-5-чи кунлар.

Таргет терапия:

- Дерматофибросаркома ва агрессив фиброматозни даволаш учун иматиниб тавсия этилади, 400 мг/кун, перорал (оғиз орқали), узлуксиз қабул қилиш тавсия қилинади.
- Пазопаниб 800 мг 1 марта кунда, оғиз орқали, узлуксиз қабул қилинади (прогрессиягача давом эттирилади). Қуйидаги ҳолатларда юмшоқ тўқима саркомалари (липосаркома ва GIST бундан мустасно) бўлган беморларга тавсия этилади: Неoadъювант ёки адъювант терапия бошланганидан кейин 12 ой ичида ўсма прогрессияси юз берган ҳолларда, - Метастатик саркома туфайли стандарт химиятерапия қабул қилган беморлар [1, В], [12].

Пазопаниб мультитирозинкиназ ингибитори бўлиб, VEGFR1, 2 ва 3, PDGFR α ва β , c-Kit ретсепторларига таъсир қилади. III фазага мансуб, рандомизацияланган, кўпмарказли, икки томонлама кўр-кўрона PALETTE тадқиқоти пазопанибнинг самарадорлигини плацебо билан солиштириб, унинг тарқалган юмшоқ тўқима саркомаларида (липосаркома ва GIST бундан мустасно) химиятерапия олган беморлар учун фойдали эканини кўрсатди. Пазопаниб қабул қилган беморлар гуруҳида плацебо билан солиштирганда уч марта узоқроқ вақт давомида ўсмасиз ҳаёт кечиришди (медиана 20 ҳафтага қарши 7 ҳафта, $p < 0,0001$) ва ўсма прогрессияси хавфи 65 фоизга камайди. Пазопанибнинг самарадорлиги плацебо гуруҳига нисбатан икки баробар юқори бўлиб, 73 фоизни ташкил этди (6 фоиз қисман жавоб ва 67 фоиз стабилизация) плацебо гуруҳида эса 38 фоиз (0 фоиз объектив жавоб ва 38 фоиз стабилизация) кузатилди. III фаза тадқиқотига кўра, пазопаниб липосаркома ва GISTдан ташқари юмшоқ тўқима саркомаларида 2-

йўналиш ва ундан кейинги босқичларда самарали даволаш усули сифатида тавсия этилади.

- Сунитиниб 37,5 мг ҳар куни қабул қилиш тавсия этилади. У юмшоқ тўқима саркомаларида 3-йўналиш ва ундан кейинги босқичларда қўлланилади. Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун 2 ойдан сўнг назорат ўтказилиши керак.
- Сорафениб 400 мг кунига икки марта қабул қилиш тавсия этилади. У юмшоқ тўқима саркомаларида учинчи ва ундан кейинги босқичларда қўлланилади. Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун 2 ойдан сўнг назорат ўтказилиши керак.

Десмоид типдаги (агрессив фиброматоз) юмшоқ тўқима ўсмаларининг дори терапияси:

Тамоксифен ± сулиндак

Тамоксифен

Метотрексат + винбластин

Доксорубицин

Иматиниб

Сорафениб

Метотрексат + винорельбин

Липосомал доксорубицин

Айрим кам учрайдиган юмшоқ тўқима саркома турлари стандарт химиятерапия схемаларига сезгир эмас. Бундай ҳолатларда даволашнинг биринчи йўналишида таргетли терапия ва/ёки иммунотерапия тайинлаш тавсия этилади.

Альвеоляр саркома

Сунитиниб

Пазопаниб

Пембролизумаб (NB! Юмшоқ тўқима саркомаларини даволашда Ўзбекистон Республикасида регистрация қилинмаган).

Дерматофибросаркома/бўртиб чиқувчи дерматофибросаркома:

Иматиниб

Агар дерматофибросаркома прогрессияси кузатилса, стандарт схемалар бўйича химиятерапия ўтказилиши тавсия этилади.

Даволаш бошланишидан олдин барча беморлар мултидисциплинар гуруҳ мутахассислари томонидан муҳокама қилиниши керак. Антрациклин асосидаги схемалар неоадъювант ва адъювант режимларда тавсия этилади. [13] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/14586155/>).

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини клиник протоколга киритиш кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажми ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизими доирасида тўловни қоплаш учун асос ҳисобланмайди.

6-жадвал. Асосий дори воситалари рўйхати (қўлланилиши 100 фоиз эҳтимолга эга)::

Фармако-терапевтик гуруҳ	Дори воситасининг ХПН	Қўллаш усули	ИД
Химиопрепаратлар	Липосомал доксорубицин	вена ичига	А
	Доксорубицин	вена ичига	А
	Циклофосфан	вена ичига	А
	Цисплатин	вена ичига	А
	Ифосфамид	вена ичига	А
	Метотрексат	вена ичига	А
	Кальция фолинат	вена ичига	А
	Этопозид	вена ичига	А
	Винкристин	вена ичига	А
	Карбоплатин	вена ичига	А
	Месна	вена ичига	А
	Гемцитабин	вена ичига	А
	Доцетаксел	вена ичига	А
	Паклитаксел	вена ичига	А
	Блеомицин	вена ичига	А
	Трабектидин	вена ичига	А
	Топотекан	вена ичига	А
	Иринотекан	вена ичига	А
	Тамоксифен	перорал	А
	Эрибулин	вена ичига	В
Дакарбазин	вена ичига	А	
Таргет препаратлар	Пазопаниб	перорал	В

	Иматиниб	перорал	В
	Сунитиниб	перорал	В
	Сорафениб	перорал	В
Иммунопрепаратлар	Пембролизумаб	вена ичига	В
Иммуномодулятор	Филграстим	тери остига	А
Юклаш (хавола)	https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B0%D1%80%D0%BA%D0%BE%D0%BC%D1%8B-%D0%BC%D1%8F%D0%B3%D0%BA%D0%B8%D1%85-%D1%82%D0%BA%D0%B0%D0%BD%D0%B5%D0%B9-%D0%BA%D0%BF-%D1%80%D0%BA-2023/17758		

7-жадвал. Қўшимча дори воситалари рўйхати (қўлланилиши 100 фоиздан кам эҳтимолга эга):

Фармако-терапевтик гуруҳ	Дори воситасининг ХПН	Қўллаш усули	ИД
Антибактериал воситалар	Офлоксацин	Вена ичига	С
	Цефоперазон сульбактам	Вена ичига	С
	Метронидазол	Вена ичига Ичга	А
	Левифлоксацин	Вена ичига Ичга	-
	Ципрофлоксацин	Вена ичига Ичга	С
	Сульфаметоксозол /триметоприм	Вена ичига Ичга	А
Замбуруғга қарши дори воситалари	Вориконазол	Вена ичига Ичга	В
	Итраконазол	Ичга	В
	Флуконазол	Вена ичига Ичга	С
	Позаконазол	Ичга	В
Вирусга қарши дори воситалари	Ацикловир	Вена ичига Ичга	А
Қон ивиш тизимига таъсир қилувчи дори воситалари	Надропарин	Тери остига	С
	Эноксапарин	Тери остига	С
Бошқа дори воситалари	Бупивакаин, Лидокаин, Прокаин	Маҳаллий қўллаш	Д
	Омепразол	Вена ичига Ичга	А
	Фамотидин	Вена ичига	А
	Амброксол	Ичга	
	Амлодипин	Ичга	В

	Дротаверин	Вена ичига Ичга	
	Каптоприл	Ичга	В
	Лизиноприл	Ичга	В
	Лактулоза	Ичга	В
	Спиронолактон	Ичга	В
	Повидон – йод	Ташқи	-
	Тобрамицин	Вена ичига	-
	Торасемид	Ичга	-
	Фолиевая кислота	Ичга	-
	Фуросемид	Вена ичига Ичга	-
	Хлоргексидин	Ташқи	-
Юклаш (хавола)	http://www.pror.ru/treatment/accomp https://www.rosoncoweb.ru/standarts/suptherapy/		

6.4. Жарроҳлик давоси

Кенг кесиб олиш ўсмани соғлом тўқималар ичида, футлярлик ва зоналик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда олиб ташлаш стандарт жарроҳлик аралашуви ҳисобланади. Янги ўсмадан камида бир сантиметр масофада олиб ташлаш минимал меъёр деб ҳисобланади. Ўсмани мушак фасцияси ёки муфтаси билан бирга олиб ташлашда чегара 1–5 сантиметрдан ортиқ бўлиши лозим. Агар мустаҳкам анатомик тўсиқлар мавжуд бўлса, масалан, мушак фасцияси, уст суяк, ёки мушакнинг пайли қисми, минимал чегарага йўл қўйилиши мумкин. Чекка кесиб олиш фақат айрим истисно ҳолларда кўриб чиқилади. Резекция чегаралари жарроҳлик муолажаси сифати баҳолашнинг асосий услуби бўлиб, уни хирург ва гистолог биргаликда аниқлайди. Биопсия зонаси ва тракти якуний жарроҳлик ҳажмига киритилиши керак.

Интраоперацион белгилаш асосида препарат чегараларини микроскопик ўрганиш мажбурий тавсия этилади.

Жарроҳлик аралашувлари тамойиллари:

- Ўсма билан бирга аввалги биопсия ўтказилган жой ҳам олиб ташланади.
- Саркома очик қолдирилмасдан олиб ташланади.
- Агар регионар лимфа тугунларида шикастланиш белгилари кузатилмаса, улар

олиб ташланмайди.

- Резекция чегаралари металлск скобкалар билан белгиланади (жарроҳликдан кейинги нур терапиясини режалаштириш ва ўсма тўлиқ олиб ташланмаган ҳолларда).

Юмшоқ тўқима саркомаларида асосий жарроҳлик операциялари турлари:

- Оддий кесиб олиш хавфли ўсмаларни морфологик диагностикаси доирасидагина қўлланилади.

- Кенг кесиб олиш. Бу операцияда ўсма анатомик зона доирасида, ягона блокда, псевдокапсула билан бирга ва кўзга кўринган чегарадан 4–6 см ёки ундан ортиқ масофада олиб ташланади. Кенг маҳаллий резекция паст хавфлилик даражасига эга, юзаки жойлашган, тери юзаси фасциясидан юқорида жойлашган ўсмаларда қўлланилади. Бундай ўсмаларга қуйидагилар киради:

- Кичкина фибросаркомалар

- Липосаркомалар

- Десмоидлар

- Дерматофибросаркомалар

Бу операция юқори хавфлилик даражасига эга саркомаларда ўтказилмайди.

- Радикал операция. Бу операция чуқур жойлашган, юқори хавфлилик даражасига эга саркомаларда амалга оширилади. Операция жараёнида ўсма ва уни ўраб турган соғлом тўқималар ягона блокда олиб ташланади, бунда фасциялар ва ўзгаришга учрамаган атроф мушаклари тўлиқ кесилади ва уларнинг маҳкамланиш жойида ажратилади. Зарур ҳолларда қон томирлар, нервлар, суяклар резекция қилиниб, шу заҳоти тегишли реконструктив-пластик операциялар ўтказилади. Бу жарроҳлик аралашуви қон томирлари, нервлар, суяклар ва бўғимларни қайта тиклашни талаб қилиши мумкин. Аъзо сақловчи ва функцияни максимал даражада асраб қолувчи жарроҳлик аралашувлари юмшоқ тўқималарнинг жойли тарқалган хавфли ўсмаларини даволашда фақат қўшма ва комплекс даволаш доирасида ўтказилади.

Операциянинг радикалик даражаси кесилган ўсма чегараларини нормал тўқималардан ажратиш учун тезкор интраоперацион гистологик текширув орқали назорат қилинади.

- Ампутациялар ва экзартикуляциялар. Ампутация ва экзартикуляция қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади: - Радикал аъзо сақловчи операцияни ўтказиш имкони бўлмаганда, бу қўл-оёқдаги катта зарарланиш ҳажми, шу жумладан бўғимлар, суяклар, йирик қон томирлар ва нервларнинг узок масофада ўсма жараёнига жалб қилинганлиги билан боғлиқ бўлса - Неоадьювант даволаш курслари самарасиз

бўлганда

Аъзо сақловчи амалиётларга қарши кўрсатмалар:

- ўсма жараёнига асосий томир-нерв тутами жалб қилинганда;
- патологик синишлар;
- ўсма соҳасидаги тўқималарнинг инфицирланиши;
- мушакларнинг кенг ўсма билан зарарланиши.

6.5 Давомий кузатув ва бошқарув тактикаси.

Даволанган беморларни динамик кузатуви:

- Даволаш тугатилгандан кейин биринчи йил – ҳар 3 ойда бир марта текширув
- Иккинчи йил – ҳар 6 ойда бир марта текширув
- Учинчи йилдан бошлаб – ҳар йили бир марта, 3 йил давомида

Текширув усуллари:

- Локал назорат – ҳар бир текширувда
- Регионар лимфа тугунларини пальпация қилиш – ҳар бир текширувда
- Кўкрак қафаси КТси – ҳар 3 ойда (1-йил), ҳар 6 ойда (2-йил), кейин йилига 1 марта (5 йилгача)
- Қорин бўшлиғи УТТси – ҳар 6 ойда (бирламчи тарқалган ва метастатик ўсмаларда)
- Онколог назорати – яшаш жойи бўйича (ўсма олиб ташланган зона ва периферик лимфа тугунларини кўрикдан ўтказиш)
- Регионар лимфа оқими зоналари УТТси – 1-йилда ҳар 3 ойда, 2-йилда ҳар 6 ойда, 3-йилда йилига 1 марта

7. Даво самарадорлиги индикаторлари:

- Ўсмани ва метастазларнинг регрессияси бўйича объектив белгилари
- УЗИ натижаларида метастазлар ва қайталаниш йўқлиги
- КТ натижаларида узоқ метастазлар йўқлиги
- Қон, пешоб ва биохимик кўрсаткичларнинг қониқарли ҳолати

- Жарроҳликдан кейинги яранинг битиши
- Беморнинг нисбатан қониқарли умумий ҳолати

Даво самарадорлиги мезонлари:

- **Тўлиқ самара** – барча шикастланган ўчоқларнинг йўқолиши, камида 4 ҳафта давомида.
- **Қисман самара** – барча ёки айрим ўсмалар ҳажмининг 50% ёки ундан кўпроқ камайиши, бошқа ўчоқларда прогрессия кузатилмаган ҳолда.
- **Стабилизация** – ўсмалар 50% дан камаймаган ёки 25% дан ошмаган ҳолда ўсмаган, янги ўчоқлар йўқ.
- **Прогрессия** – бир ёки бир неча ўсмаларнинг 25% дан ортиқ катталашishi ёки янги ўчоқлар пайдо бўлиши.

**«ЮМШОҚ ТЎҚИМА САРКОМАЛАРИ»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ
АРАЛАШУВЛАР МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

- ХКТ код (лар) и:

ХКТ-10	
Коди	Номланиши
С 47.0	– Бош, юз ва бўйин периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси.
С 47.1	– Қўлларнинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.2	– Оёқларнинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.3	– Кўкракнинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.4	– Қориннинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.5	– Кичик чанок периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.6	– Тананинг периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси
С 47.8	– Периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг комбинирланган хавфли ўсмаси
С 47.9	– Периферик нервлари ва вегетатив нерв тизимининг хавфли ўсмаси, ҚАС (БДУ)
С 48.0	– қорин парда орти
С 48.1	– Қорин парданинг алоҳида қисмлари
С 48.2	– Қорин парда, ҚАС (БДУ)
С 48.8	– Қорин парда ортининг комбинирланган зарарланиши
С 49	– Бошқа турдаги бириктирувчи ва юмшоқ тўқималарнинг хавфли ўсмаси.
С 49.0	– Бош ва бўйиннинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
С 49.1	– Қўлларнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
С 49.2	– Оёқларнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
С 49.3	– Кўкракнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари

С 49.4	– Қориннинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
С 49.5	– Кичик чаноқнинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
С 49.6	– Тананинг бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималари
С 49.8	– Бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималарнинг комбинирланган зарарланиши
С 49.9	– Бириктирувчи тўқима, тери ости ёғ қатлами, шунингдек бошқа юмшоқ тўқималар, ҚАС (БДУ)

Юклаб олиш (ХКТ-10 дан ҳавола): <https://mkb-10.com/index.php?pid=1342>

ХКТ-11

Коди	Номланиши
2B53	Фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.0	Миксофибросаркома, бирламчи ўчоқ
2B53.1	Теридаги фибробластик ёки миофибробластик ўсма
2B53.Y	Бошқа аниқланган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.Z	Аниқланмаган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B54	Номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.0	Теридаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.1	Қорин пардаси ва қорин парда ортидаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.Y	Бошқа аниқланган жойлашувдаги номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.Z	Аниқланмаган жойлашувдаги, аниқланмаган номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B53	Фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.0	Миксофибросаркома, бирламчи ўчоқ
2B53.1	Теридаги фибробластик ёки миофибробластик ўсма
2B53.Y	Бошқа аниқланган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.Z	Аниқланмаган фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ

2B54	Номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.0	Теридаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.1	Қорин пардаси ва қорин парда ортидаги номалум классификацияли плеоморф саркома
2B54.Y	Бошқа аниқланган жойлашувдаги номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B54.Z	Аниқланмаган жойлашувдаги, аниқланмаган номалум классификацияли плеоморф саркома, бирламчи ўчоқ
2B53	Фибробластик ёки миофибробластик ўсма, бирламчи ўчоқ
2B53.0	Миксофибросаркома, бирламчи ўчоқ
2B53.1	Теридаги фибробластик ёки миофибробластик ўсма
2B57	Капоши саркомаси, бирламчи ўчоқ
2B57.0	Ўпка Капоши саркомаси
2B57.1	Тери Капоши саркомаси
2B57.2	Ошқозон-ичак тракти Капоши саркомаси
2B57.Y	Бошқа аниқланган бирламчи жойлашувдаги Капоши саркомаси
2B57.Z	Аниқланмаган бирламчи жойлашувдаги Капоши саркомаси
2B58	Лейомиосаркома, бирламчи ўчоқ
2B58.0	Қорин пардаси ёки қорин парда орти лейомиосаркомаси
2B58.1	Бачадон лейомиосаркомаси
2B58.2	Ошқозон лейомиосаркомаси
2B58.Y	Бошқа аниқланган бирламчи жойлашувдаги лейомиосаркома
2B58.Z	Аниқланмаган бирламчи ўчоқдаги лейомиосаркома
2B59	Липосаркома, бирламчи ўчоқ
2B59.0	Қўл-оёқ юмшоқ тўқималари липосаркомаси
2B59.1	Қорин пардаси ёки қорин парда орти липосаркомаси
2B59.2	Эркактлар репродуктив аъзолари липосаркомаси
2B59.Y	Бошқа аниқланган бирламчи ўчоқдаги липосаркома
2B59.Z	Аниқланмаган бирламчи ўчоқдаги липосаркома
2B5A	Синовиал саркома, бирламчи ўчоқ
2B5A.0	Қўл-оёқ юмшоқ тўқималари синовиал саркомаси
2B5A.1	Кўкрак қафаси аъзолари синовиал саркомаси

2B5A.Y	Бошқа аниқланган бирламчи ўчоқдаги синовиал саркома
2B5A.Z	Аниқланмаган бирламчи ўчоқдаги синовиал саркома
2B5E	Периферик нервлар ёки вегетатив нерв тизими ниқобининг хавфли ўсмаси, бирламчи ўчоқ
2B5F	Бошқа рубрикаларга кирмайдиган саркома, бирламчи ўчоқ
2B5F.0	Бошқа рубрикаларга кирмайдиган бачадон саркомаси
2B5F.1	Бошқа рубрикаларга кирмайдиган қорин пардаси ва қорин парда орти саркомаси
2B5F.10	Эпиплоон миосаркомаси
2B5F.1Y	Бошқа аниқланган, бошқа рубрикаларга кирмайдиган қорин пардаси ва қорин парда орти саркомаси
2B5F.1Z	Аниқланмаган, бошқа рубрикаларга кирмайдиган қорин пардаси ва қорин парда орти саркомаси
2B5F.2	Бошқа аниқланган жойлашувдаги, бошқа рубрикаларга кирмайдиган саркома
2B5F.3	Бирламчи ўчоғи номаълум, бошқа рубрикаларга кирмайдиган саркома
2B5G	Аниқланмаган бачадон бўлими миосаркомаси
2B5H	Юқори даражада дифференцирланган липоматоз ўсма, бирламчи ўчоқ
Юклаб олиш (ХКТ-11 дан ҳавола): https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#1630407678	

1. Асосий қисм.

Кириш (фойдаланилган манбаъга ҳавола:

<https://www.rosoncoweb.ru/standarts/RUSSCO/2023/2023-19.pdf>):

Юмшоқ тўқималар саркомалари – хавфли ўсмалар гуруҳи бўлиб, скелетдан ташқари юмшоқ ва бириктирувчи тўқималарда пайдо бўлади. Бундай ўсмалар гистопатологик хусусиятлари, клиник кўриниши ва ўсма жараёнининг кечишига ўхшашлиги сабабли ягона гуруҳ сифатида қаралади. [1-3]. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/35020204/>).

Юмшоқ тўқима саркомалари (ЮТС) – бу бириктирувчи тўқима ўсмаларидир. Боғламлар, пайлар, мушаклар ва ёғ тўқимаси ўсмалари мезодерманинг примитив ҳужайраларидан келиб чиқади. Ушбу гуруҳга шунингдек, примитив эктодерма ҳужайраларидан (шваннома) ва томирларнинг эндотелиал ҳужайраларидан келиб чиққан ўсмалар ҳам киритилади. Ушбу ҳар хил ўсмалар морфологик тузилиши, пайдо бўлиш механизми ва клиник кўриниши ўхшашлиги сабабли бир гуруҳга

бирлаштирилган. Висцерал аъзолар саркомаси жуда кам учрайди, асосан буйрак, простата беzi, ўпка ва юракда аниқланади. Алоҳида саркомалар маммологияда ажратиб қаралади. Диагностика, классификация ва даволаш тактикасида микроскопик тузилиш, хавфлилик даражаси ва баъзи ҳолларда орган мансублиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар лейомиосаркома ҳақида гап кетса, у силлиқ мушак тўқимасидан келиб чиққан бўлиши эҳтимоли юқори, синовиал саркома эса одатда бўғим капсуласидан келиб чиқмайди.

Юмшоқ тўқима саркомаларининг ривожланиши учун ягона этиологик омил мавжуд эмас. Генетик мойиллик айрим ҳолларда аҳамият касб этади. Нейрофиброматоз (фон Реклингхаузен касаллиги)да тугунларнинг хавфли тус олиши кўп кузатилади. Бу аутосом-доминант касаллик бўлиб, кўп сонли нейрофибромалар, гигант невуслар ва невриногалар мавжудлиги билан характерланади. Нейрофиброматоз фонида нейрофибросаркома (10–15%) ва хавфли неврилемома (5%) ривожланиши мумкин. Лимфостаз баъзи юмшоқ тўқима саркомалари ривожланиш хавфини оширади. Хусусан, Стьюарт-Тревес синдроми – ангиосаркома, постмастэктомик қўл шишлари фонида, кўкрак беzi саратони туфайли даволанган аёлларда тасвирланган [16]

(https://seyitaligumustas.com/en/soft-tissue-sarcomas-malignant-soft-tissue-tumours?gad_source=1&gelid=CjwKCAiA6aW6BhBqEiwA6KzDc4H_BqBP2zrp4GdI2pHb2Z6IUQoSgHaEak1RCDMCn5JedI_gPy9bsBoCpp8QAvD_BwE). Маълум канцерогенларнинг юмшоқ тўқима саркомалари ривожланишига таъсири етарлича ўрганилмаган. Юмшоқ тўқима саркомаларининг нур терапиясидан сўнг пайдо бўлиш эҳтимоли мавжудлиги таъкидланиши лозим. Радиоиндуцирланган саркомалар нурланишдан кейин 6–30 йил ва ундан кўпроқ вақт ўтгач ривожланиши мумкин (медиана 10 йил). Умумий нурланиш дозаси, фракциялаштириш режими ва радиация тури касаллик ривожланишига таъсир қилади. Алкилировчи агентлар (циклофосфамид ва ҳ.к.) нур терапияси билан биргаликда қўлланилганида иккинчи даражали хавфли ўсмалар пайдо бўлиш хавфини оширади. [17] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/11025461/>).

8-тур герпес вирусини фонида ВИЧ-инфекцияли беморларда ривожланган Капоши саркомаси классик ва африка вариантыда ҳам агрессив кечишга эга. [18] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/14635020/>)

РИОваРИАТМнинг 2023 йилдаги статистик маълумотларига кўра, периферик ва вегетатив нерв тизими ўсмалари (С47), қорин парда орти ва қорин парда (С48) ҳамда бошқа бириктирувчи тўқималар (С49) ўсмалари билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан мувофиқ равишда 0,1, 0,4 ва 1,2 ни ташкил этган.

2023 йилда биринчи марта жами 31 нафар **периферик ва вегетатив нерв саркомаси** (С47) билан бемор аниқланган. Профилактик кўриклар давомида фаол

аниқланган ҳолатлар 0% ни ташкил этди. I босқичда 0%, II босқичда 35,5%, III босқичда 19,4%, IV босқичда 12,9% ҳолат қайд этилган. 32,3% беморларда касаллик босқичини аниқлаш имконсиз бўлган. 2025 йил бошига келиб, диспансер кузатувида 152 нафар бемор турган ва касалмандлик кўрсаткичи 100 минг аҳолига 0,4 ни ташкил этган. Республикада периферик ва вегетатив нерв саркомаларида 5 йиллик яшовчанлик даражаси 28,9%, 1 йиллик ўлим ҳолати эса 23,1% ни ташкил этади.

2023 йилда биринчи марта жами 429 нафар бошқа юмшоқ тўқима саркомалари (C49) билан бемор аниқланган. Профилактик кўриклар давомида фаол аниқланган ҳолатлар 21,7% ни ташкил этди. I босқичда 9,8%, II босқичда 62,9%, III босқичда 15,6%, IV босқичда 7,2% ҳолат қайд этилган. 4,4% беморларда касаллик босқичини аниқлаш имконсиз бўлган. 2025 йил бошига келиб, диспансер кузатувида 2343 нафар бемор турган ва касаллик кўрсаткичи 100 минг аҳолига 6,4 ни ташкил этган. Республикада бошқа юмшоқ тўқима саркомаларида 5 йиллик тирик қолиш даражаси 38,7%, 1 йиллик ўлим ҳолати эса 11,8% ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда бошқа юмшоқ тўқима саркомалари туфайли 197 нафар бемор вафот этган, бу эса 100 минг аҳолига 0,5 ўлим кўрсаткичинини ташкил этади.

2. Мазкур нозологияда танланган тиббий муолажа ва ёки жаррохлик амалиётининг қўлланилиши тартиби.

1) Муолажа ёки аралашувнинг мақсади:

- ўсмани радикал олиб ташлаш;
- бирламчи ўчоқни олиб ташлаш;
- ўсмани стабилизацияси, қисман ёки тўлиқ регрессияси;
- умумий ҳолатини яхшилаш;
- умумий яшовчанликни ошириш.

2) Муолажа ёки аралашувга қарши кўрсатмалар:

- беморнинг оғир ҳолати – ECOG III–IV;
- фаол босқичдаги туберкулез;
- декомпенсация босқичидаги ҳамроҳ касаллик;
- ўткир кечиктириб бўлмайдиган ғолатлар (миокард инфаркти, инсульт);
- септик ҳолатлар;
- қон кетиш хавфи билан, парчаланиш босқичидаги ўсмалар (нур терапия учун);

- психорган касалликлар (шизофрения, кучли тутқаноқ синдроми билан эпилепсия);
- Беморнинг Карновский шкаласи бўйича 60%дан кам бўлган оғир ҳолати.
- Декомпенсация босқичидаги ҳамроҳ касалликлар.

3) Муолажа ёки аралашувга кўрсатмалар;

- жарроҳлик даволаш ёки биопсиядан кейин ташхисни мажбурий морфологик текшириш билан ҳар қандай босқичдаги юмшоқ тўқима саркомаларининг мавжудлиги;
- жарроҳлик даволаш ёки очиқ биопсиядан сўнг ташхисни морфологик тасдиқлаш билан иккиламчи (метастатик ёки бирламчи аниқланган ўчоқсиз) ўсманинг мавжудлиги ёки метастазнинг морфологик тасдиғининг йўқлиги, аммо юмшоқ тўқима саркомаларининг асосий ўчоғининг гистологик текшируви мавжудлиги.

Медикаментоз (Кимё ва/ёки таргет, ва/ёки иммунотерапия) ва/ёки нур терапия қуйидаги мақсадди ўтказилади:

- Ўсма ҳужайралари йўқ қилиш;
- Ўсма ўлчамларини кичрайтириш, уни ўсишдан тўхтатиш;
- жигар саратони рецидивини бартараф этиш;
- Даволашнинг асосий усули сифатида у бутун танага таъсир қиладиган тизимли хавфли ўсмалар, шу жумладан, юмшоқ тўқима саркомалари учун кўрсатма ҳисобланади. Мутахассислар препаратнинг дозасини диққат билан танлайдилар: агар у жуда кичик бўлса, даволаниш самарадорлиги камаяди, агар у юқори бўлса, ножўя таъсирлар хавфи ортади.

4) Жарроҳлик даволаш тамойиллари

Жарроҳлик давосига кўрсатмалар:

- гистологик верификацияланган (ёки гистологик верификация қилиш мақсадида) операбел юмшоқ тўқима саркомалари;
- жарроҳлик давосига қарши кўрсатмалар йўқ бўлганда.

Юмшоқ тўқималар саркомаларида жарроҳлик давосига қарши кўрсатмалар:

- Беморда жарроҳлик йўли билан даволаш мумкин бўлмаган ҳолат ва оғир ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги

- Нафас, юрак-қон томир ёки пешоб чиқариш тизимларида сурункали декомпенсацияланган ва/ёки ўткир функционал бузилишлар
- Умумий анестезияда ишлатиладиган дори воситаларига аллергия мавжудлиги

Кенг кесиб олиш ўсмани соғлом тўқималар ичида, футлярлик ва зоналик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда олиб ташлаш стандарт жарроҳлик аралашуви ҳисобланади. Янги ўсмадан камида бир сантиметр масофада олиб ташлаш минимал меъёр деб ҳисобланади. Ўсмани мушак фасцияси ёки муфтаси билан бирга олиб ташлашда чегара 1–5 сантиметрдан ортиқ бўлиши лозим. Агар мустақкам анатомик тўсиқлар мавжуд бўлса, масалан, мушак фасцияси, уст суяк, ёки мушакнинг пайли қисми, минимал чегарага йўл қўйилиши мумкин. Чекка кесиб олиш фақат айрим истисно ҳолларда кўриб чиқилади. Резекция чегаралари жарроҳлик муолажаси сифати баҳолашнинг асосий услуби бўлиб, уни хирург ва гистолог биргаликда аниқлайди. Биопсия зонаси ва тракти якуний жарроҳлик ҳажмига киритилиши керак.

Интраоперацион белгилаш асосида препарат чегараларини микроскопик ўрганиш мажбурий тавсия этилади.

Жарроҳлик аралашувлари тамойиллари:

- Ўсма билан бирга аввалги биопсия ўтказилган жой ҳам олиб ташланади.
- Саркома очик қолдирилмасдан олиб ташланади.
- Агар регионар лимфа тугунларида шикастланиш белгилари кузатилмаса, улар олиб ташланмайди.
- Резекция чегаралари металллик скобкалар билан белгиланади (жарроҳликдан кейинги нур терапиясини режалаштириш ва ўсма тўлиқ олиб ташланмаган ҳолларда).

Юмшоқ тўқима саркомаларида асосий жарроҳлик операциялари турлари:

- Оддий кесиб олиш хавфли ўсмаларни морфологик диагностикаси доирасидагина қўлланилади.
- Кенг кесиб олиш. Бу операцияда ўсма анатомик зона доирасида, ягона блокда, псевдокапсула билан бирга ва кўзга кўринган чегарадан 4–6 см ёки ундан ортиқ масофада олиб ташланади. Кенг маҳаллий резекция паст хавфлилик даражасига эга, юзаки жойлашган, тери юзаси фасциясидан юқорида жойлашган ўсмаларда қўлланилади. Бундай ўсмаларга қуйидагилар киради:

- Кичкина фибросаркомалар
- Липосаркомалар

- Десмоидлар
- Дерматофибросаркомалар

Бу операция юқори хавфлилик даражасига эга саркомаларда ўтказилмайди.

- Радикал операция. Бу операция чуқур жойлашган, юқори хавфлилик даражасига эга саркомаларда амалга оширилади. Операция жараёнида ўсма ва уни ўраб турган соғлом тўқималар ягона блокда олиб ташланади, бунда фасциялар ва ўзгаришга учрамаган атроф мушаклари тўлиқ кесилади ва уларнинг махкамланиш жойида ажратилади. Зарур ҳолларда қон томирлар, нервлар, суяклар резекция қилиниб, шу заҳоти тегишли реконструктив-пластик операциялар ўтказилади. Бу жарроҳлик аралашуви қон томирлари, нервлар, суяклар ва бўғимларни қайта тиклашни талаб қилиши мумкин. Аъзо сақловчи ва функцияни максимал даражада асраб қолувчи жарроҳлик аралашувлари юмшоқ тўқималарнинг жойли тарқалган хавфли ўсмаларини даволашда фақат қўшма ва комплекс даволаш доирасида ўтказилади.

Операциянинг радикаллик даражаси кесилган ўсма чегараларини нормал тўқималардан ажратиш учун тезкор интраоперацион гистологик текширув орқали назорат қилинади.

- Ампутациялар ва экзартикуляциялар. Ампутация ва экзартикуляция куйидаги ҳолатларда тавсия этилади: - Радикал аъзо сақловчи операцияни ўтказиш имкони бўлмаганда, бу қўл-оёқдаги катта зарарланиш ҳажми, шу жумладан бўғимлар, суяклар, йирик қон томирлар ва нервларнинг узоқ масофада ўсма жараёнига жалб қилинганлиги билан боғлиқ бўлса - Неоадьювант даволаш курслари самарасиз бўлганда

Аъзо сақловчи амалиётларга қарши кўрсатмалар:

- ўсма жараёнига асосий томир-нерв тутами жалб қилинганда;
- патологик синишлар;
- ўсма соҳасидаги тўқималарнинг инфицирланиши;
- мушакларнинг кенг ўсма билан зарарланиши.

Юмшоқ тўқима саркомаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг асослантрилиши.

- Маҳаллий тарқалган, паст хавфлилик даражасига эга юмшоқ тўқима саркомалари ва G2-3 даражали, 5 см дан кичик ўсмаларда жарроҳлик аралашуви тавсия этилади. Шунингдек, юқори хавфли жойли кенг тарқалган саркомаларда кўп компонентли даволашнинг мажбурий босқичи сифатида жарроҳлик аралашуви амалга оширилиши керак.

(<https://rosoncoweb.ru/standarts/RUSSCO/2018/2018-46.pdf>).

Тавсиялар ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси - 4)

Изоҳлар: ўсмани соғлом тўқималар чегарасида кенг кесиб олиш, футлярлик ва зоналик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда олиб ташлаш стандарт жарроҳлик аралашуви ҳисобланади. Янги ўсмадан камида бир сантиметр масофада олиб ташлаш минимал меъёр деб ҳисобланади. Ўсмани мушак фасцияси ёки муфтаси билан бирга олиб ташлашда чегара 1–5 сантиметрдан ортиқ бўлиши лозим. Агар мустаҳкам анатомик тўсиқлар мавжуд бўлса, масалан, мушак фасцияси, уст суяк ёки мушакнинг пайли қисми, минимал чегарага йўл қўйиши мумкин. Краёвое иссечение фақат айрим истисно ҳолларда кўриб чиқилади. Резекция чегаралари жарроҳлик муолажаси сифати баҳолашнинг асосий услуби бўлиб, уни хирург ва гистолог биргаликда аниқлайди. Биопсия зонаси ва тракти якуний жарроҳлик ҳажмига киритилиши керак [20]

- Интраоперацион белгилаш асосида препарат чегараларини микроскопик ўрганиш мажбурий тавсия этилади [26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27891213/>)

Тавсиялар ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси - 4)

Изоҳлар: Микроскопик мусбат чегара мавжудлиги қайта кесиб олиш ва/ёки жарроҳликдан кейинги нур терапияси ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланади. Ўсма ўрни хирург томонидан кейинги нур терапияси майдонларини аниқлаш мақсадида белгиланиши керак. Жарроҳликдан олдинги ва/ёки кейинги нур терапияси билан қўшиб ўтказилган кенг аъзо сақловчи операциялар юқори дифференцияланган қўлоёқ саркомаларида яхши натижалар беради.

- Интраоперацион нур терапиясини ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айрим клиник ҳолатларда муҳокама қилиш тавсия этилади. [25] (<https://ro-journal.biomedcentral.com/articles/10.1186/s13014-016-0751-2>). Усулни қўллаш зарурияти тиббий консилиум томонидан аниқланади. Даволаш фақат ихтисослаштирилган онкоортопедик клиникаларда ўтказилиши мумкин.

Тавсиялар ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси - 5)

- Кенг қўламли операциялар (ампутация, экзартикуляция ва бошқалар) фақат радикаликка (R0 ёки R1) эришиш техник жиҳатдан имконсиз бўлган ҳолларда ўтказилиши тавсия этилади. [20]

Тавсиялар ишончлилик даражаси - С (далилларнинг ишончлилик даражаси -

4)

• Барча беморларда жарроҳлик аралашуви олдидан унинг ҳажмини режалаштириш тавсия этилади. Хусусан, олиб ташланадиган тўқималар чегаралари, мушаклар, суяклар, қон томирлар ва нервларнинг резекция даражаси аниқланиши лозим. Бу радикал аралашувлар сонини оширишга, шунингдек, таянч ва қопловчи тўқималарни қайта тиклаш жараёни ҳажмини олдиндан белгилашга имкон беради. [19]

Тавсиялар ишончлилиқ даражаси - С (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - 4)

